Abstract. The article reveals the concept of «distance education», «distance learning». Pedagogical conditions for ensuring quality distance learning in educational institutions, including higher education institutions with specific learning conditions are determined. The difficulties and advantages of the introduced distance learning in higher education institutions are highlighted.

Key words: distance education, distance learning, introduction of distance learning, pedagogical conditions, COVID-19.

Вступивши у Болонський процес, Україна стала на шлях глобального реформування своєї системи вищої освіти з метою підняття статусу власників вітчизняних дипломів про вищу освіту на європейському ринку праці. Для досягнення найкращих результатів в цьому напрямку, спираючись на класичні методи викладання, сьогодні вкрай необхідно розвивати нові – на основі Інтернет-технологій XXI ст. [1].

Протягом останніх двох десятиріч років відбувається процес переходу від традиційного навчання до навчання на базі комп'ютерних технологій. Це стало можливим здебільшого з розвитком мережі Інтернет, що дало змогу пересилати необхідну кількість даних з одного кінця світу в інший, вільно вести дискусії з іншими користувачами мережі в online режимі і розміщувати інформацію на Інтернет-сайтах, роблячи її доступною для усіх бажаючих.

Сучасні інформаційні технології сприяють підвищенню та вдосконаленню ефективності освітнього процесу. Під час реформування освіти у закладах вищої освіти прогресивно розробляється концепція дистанційної освіти, що передбачає розробку різноманітних технологій, у тому числі технології змішаного навчання[2].

За концепцією розвитку дистанційної освіти в Україні дистанційна освіта – це форма навчання, рівноцінна з очною, вечірнього, заочною та екстернатом, що реалізується, в основному, за технологіями дистанційного навчання [3].

Дистанційне навчання – це спосіб отримання освіти із використанням

комп'ютерних та сучасних інформаційних технологій, що забезпечує студентам можливість навчатися на відстані, без відриву від роботи та виїзду за кордон. Серед інших назв дистанційного навчання використовуються і такі, як «відкрита освіта», «електронна освіта», «віртуальне навчання» тощо. Такий спосіб отримання знань передбачає комфортну та зручну для кожного студента обстановку. На відміну від заочного навчання, з яким часто порівнюють дистанційну форму, остання передбачає не лише постійну самоосвіту та роботу із засвоєння знань, а й постійний контакт як із викладачами, так і з іншими студентами, в той час як заочна форма освіти передбачає спілкування з викладачем лише декілька разів на рік [4]. Зокрема, Н. В. Андрусенко відмічає, що дистанційне навчання надає здобувачам вищої освіти доступ до нетрадиційних джерел інформації, підвищує ефективність самостійної роботи, дає абсолютно нові можливості для творчого самовираження, знаходження та закріплення різних професійних навичок, а викладачам, в свою чергу, дозволяє реалізовувати абсолютно нові форми і методи навчання із застосування концептуального і математичного моделювання явищ і процесів [2].

Особливої актуальності питання дистанційного навчання, у тому числі у закладах вищої освіти зі специфічними умовами навчання, які здійснюють підготовку поліцейських, набули у 2020 році, коли у світі, й Україна не виняток, почала поширюватися пандемія коронавірусу COVID-19.

У березні 2020 року Генеральний директор організації ЮНЕСКО Одрі Азулай заявила, що через пандемію коронавірусу COVID-19 понад 1,5 мільярда молодих людей у 165 країнах світу не можуть відвідувати заняття через закриття загальноосвітніх навчальних закладів.

Запровадження карантину змінило життя кожного з нас та особливо вплинуло на заклади освіти, змусивши пристосовуватись до нових умов надання освітніх послуг. Тому питання дистанційного навчання в умовах пандемії коронавірусу залишається, як ніколи, актуальним.

Так, зокрема, як зазначають українські науковці Іван Прокопенко і Світлана Бережна, COVID-19 заохочує заклади вищої освіти в Україні здійснювати інноваційні рішення за порівняно короткий проміжок часу та запроваджувати дистанційне навчання з використанням різних веб-серверів, платформ, ресурсів та соціальних мереж. Тому кафедра політичних, соціальних та культурних досліджень Харківського національного педагогічного університету імені Сковороди у березні 2020 року провела онлайн опитування серед українських студентів та викладачів закладів вищої освіти щодо вирішення соціально-економічних питань, виникнення яких пов'язане з пандемією коронавірусу.

Результати цього опитування дали авторам дослідження можливість ідентифікувати труднощі та переваги впровадженого дистанційного навчання.

На жаль реальність показала, що не всі заклади вищої освіти виявились технічно підготовленими до проведення лекцій та семінарів з використанням сервісу Google Classroom, оцінювання знань за допомогою текстових тестів, підготовки та презентації проєктів через Skype, нові платформи, ресурси та соціальні мережі (Moodle, Zoom, Skype, Viber, Telegram та Messenger). А вчителі, як додатковий матеріал, почали використовувати зовнішні системи

дистанційного навчання (платформа Prometheus). Постало питання у стислі строки освоєння нових платформ навчання як педагогами, так і студентами.

Студенти скаржилися на відсутність живого спілкування, неможливість повторної здачі пропущених практичних занять, значне збільшення завдань, брак часу на їх виконання, зобов'язання виконувати свої сімейні обов'язки щодо контролю/догляду за молодшими братами, поки школи закриті на період проведення онлайн-занять, обмежений доступ до комп'ютера, оскільки батьки теж переведені на віддалену роботу.

Викладачі ж відмітили неможливість індивідуального консультування студентів, збільшення часу на листування зі студентами, оскільки онлайн-курси передбачають більш детальний опис домашнього завдання, ніж зазвичай в аудиторії.

Водночас, як зазначають автори статті, серед позитивних аспектів використання дистанційного навчання українські викладачі та студенти (за результатами опитування) відмічають, що якість дистанційної освіти не поступається якості навчання віч-на-віч. Студенти відмічають розвиток дисципліни та самоорганізації, що дає можливість отримати освіту у зручний час і зручному місці та рівний доступ до освіти, незалежно від місця проживання, стану здоров'я чи соціального статусу.

Викладачі вказують на оновлену роль вчителя, що стає наставником-консультантом, який координує процес навчання, постійно вдосконалюючи власні курси та навички [5].

Щодо вимог до контингенту студентів, як і курсантів закладів вищої освіти із специфічними умовами навчання, які здійснюють підготовку поліцейських (далі – здобувачів вищої освіти), для ефективного опанування дистанційної освіти необхідно володіти відповідним набором особливих навичок.

Так, принципово суттєвим є те, що здобувачі вищої освіти мають володіти високим рівнем освітньої особистої мотивації, бути наполегливими, цілеспрямованими.

Відомо, що наша вища школа традиційно не приділяла особливої уваги організації самостійної роботи студентів, це особливо яскраво продемонстрував перехід вищих навчальних закладів України до використання кредитно-модульної системи організації навчального процесу в останні роки. Проте особливість дистанційної форми навчання якраз і полягає в тому, що тут навчальний процес майже на всі 100 % складається саме із самостійної роботи студентів із засвоєння навчального матеріалу, який має бути заздалегідь підготовлений і потім наданий здобувачеві вищої освіти викладачем. Таким чином, головною вимогою до студента/курсанта «дистанційника» є високий стартовий рівень освіти та наявність навичок самостійної роботи.

Одним із структурних елементів дистанційної освіти є кваліфікований викладацький склад. Критерії підбору викладачів для програм дистанційної освіти мають бути, перш за все, академічними. Такі викладачі повинні вміти користуватися комп'ютерами для групових занять он-лайн і асинхронних групових обговорень, перевіряти і коментувати роботи студентів та направляти результати оцінювання за допомогою електронної пошти, а також обраних

освітнім закладом електронних платформ, а саме: платформи Moodle, Google Classroom, Microsoft Teams тощо. В інтенсивних або прискорених програмах навчання дуже важливо достатньо швидко перевірити і повернути роботу студенту до надходження наступної роботи.

Система дистанційного навчання розрахована переважно на людей достатньо свідомих, які не потребують постійного контролю з боку викладача. Тому важливу роль при дистанційному навчанні відіграє мотивація слухачів, їхня здатність до самоорганізації. Отже, найбільш важливими компонентами дистанційного навчання є: створення практичних ситуацій під час навчального процесу, можливість для студента проявити себе, самореалізуватися, чіткість організації навчального процесу та застосування індивідуального підходу.

Вміння працювати в навчальному сервері допоможуть студентам вирішувати проблеми з навчальним матеріалом і консультуванням на відстані у вільний час. Оцінюючи успіх у майбутній професійній діяльності, студенти, що не мали досвіду роботи, оцінюють свої шанси трохи нижче, ніж ті, хто працює в даний момент. Більшість студентів використовують навчальний сервер нечасто, але є й ті, хто використовує його щодня. Найбільш активними у відвідуванні навчального сервера є студенти старших курсів. У сучасних умовах, що вимагають постійного систематичного оновлення професійних знань та умінь кожного спеціаліста, зростають і можливості доступу користувача до різноманітних ресурсів інформації, у тому числі засобів мультимедіа. Саме на використанні сучасних інформаційних технологій та засобів комунікації (телебачення, відео- та аудіозасоби навчання, комп'ютерні глобальні та локальні мережі) базується дистанційне навчання [6].

Заклади вищої освіти зі специфічними умовами навчання також впроваджують методи дистанційного навчання при підготовці майбутніх офіцерів поліції. Застосування дистанційного навчання з одного боку відповідає загальним тенденціям, що відбуваються в освіті: процесам інтенсивної інформатизації та технологізації; стандартизації результатів отриманої освіти, а також сприяє забезпеченню переходу на багаторівневу систему підготовки поліцейських кадрів, підвищенню рівня підготовленості випускників таких навчальних закладів, спрямуванню їх на вирішення конкретних проблем практики, посиленню уваги до особистісного становлення майбутніх поліцейських, розвитку у них загальнолюдських цінностей.

Незважаючи на актуальність дистанційного навчання в процесі підготовки офіцерів поліції, воно ще не набуло належного розвитку в навчальних закладах системи Міністерства внутрішніх справ України. Пов'язано це, перш за все зі специфікою освіти поліцейських, її суворою регламентованістю, дисциплінованістю, необхідністю проведення практичних занять, наявністю певних обмежень, що стосуються відкритості інформації, необхідністю дотримання правил секретності, а також необхідністю опанування навичок поведінки зі зброєю та спеціальними засобами.

Таким чином, проблема впровадження дистанційного навчання в освітній процес закладів вищої освіти зі специфічними умовами навчання, які здійснюють підготовку поліцейських є актуальною та вимагає подальшої розробки.

Водночас, важливо підкреслити, що для забезпечення якісного

дистанційного навчання в учбових закладах, у тому числі у закладах вищої освіти зі специфічними умовами навчання, необхідно дотримуватися ряду педагогічних умов, зокрема:

1) створення інформаційно-технологічного освітнього середовища, в якому ключове місце займають інформаційні технології з можливістю автоматизації тих чи інших сторін процесу;

2) розробка якісного дидактичного забезпечення. Йдеться про дидактичну систему, в якій відбувається дистанційне навчання, описується кожен її компонент;

3) забезпечення достатнього рівня інформаційної компетентності викладачів закладу вищої освіти, що дозволяє ефективно формувати і супроводжувати процес дистанційного навчання;

На закінчення слід відзначити, що методичні рекомендації щодо реалізації педагогічних умов впровадження дистанційного навчання в освітній процес закладу вищої освіти зі специфічними умовами навчання, які здійснюють підготовку поліцейських, повинні складатися у відповідності з наступною структурою:

- рекомендації для викладача з організації інформаційно-технологічного освітнього середовища (вибір стилю взаємодії суб'єктів освітнього процесу всередині середовища, співвідношення традиційних та інноваційних методів, засобів і форм навчання);

- рекомендації для викладача по розробці дидактичного забезпечення дистанційного навчання (зміст електронних освітніх ресурсів, баз даних тощо.);

- рекомендації щодо підвищення інформаційної компетентності викладачів закладу вищої освіти, зокрема вміння вільно володіти платформами Skype, Moodle, Zoom, Skype, Viber, Telegram, Messenger та Prometheus, з метою реалізації дистанційного навчання.

СПИСОК ВИКОРИСТАНИХ ДЖЕРЕЛ ТА ЛІТЕРАТУРИ:

1. Веремчук А. Проблеми і перспективи дистанційного навчання у ВНЗ. Проблеми підготовки сучасного вчителя. 2013. № 7. С. 319-325.
2. Андрусенко Н.В. Дистанційне навчання в Україні. Дистанційне навчання як сучасна освітня технологія [Електронний ресурс]: матеріали міжвузівського вебінару. 2017. С. 7-9. URL: http://www.vtei.com.ua/images/VN/31_03.pdf.
3. Концепція розвитку дистанційної освіти в Україні: затв. постановою МОН України від 20 грудня 2000 року. URL: <http://www.osvita.org.ua/distance/pravo/00.html> (дата звернення: 14.09.2020).
4. Що таке дистанційна освіта: як вона працює? URL: <http://www.vsemisto.info/osvita/2355-sho-take-vysha-osvita-jakvona-prazhuje> (дата звернення: 02.09.2020).
5. Кішак Т. Covid-19 та дистанційне навчання у закладах вищої освіти: аналітичний огляд наукових публікацій з міжнародних видань. URL: <https://nubip.edu.ua/node/79877> (дата звернення: 14.09.2020).
6. В. М. Прибилова Проблеми та переваги дистанційного навчання у вищих навчальних закладах України. URL: <file:///C:/Users/user/Downloads/8791-%D0%A2%D0%B5%D0%BA%D1%81%D1%82%20%D1%81%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%82%D1%96-17478-1-10-20170726.pdf> (дата звернення: 14.09.2020).

SECTION: PHILOLOGY AND LINGUISTICS

Boynazarov Odil Fayzullaevich
Samarkand davlat universteti
(Samarqand, O'zbekiston)

KREATIV TAFAKKUR VA INFORMATSION MADANIYAT DIALEKTIKASI

Annotasiya: Ushbu maqolada kreativ tafakkur va informatsion madaniyat dialektikasi tahlil qilingan. Inson unib-o'sishida, uning kreativ tafakkur salohiyatining shakllanishida texnologik-informatsion madaniyatning o'zni turli yondashuvlar asnosida ko'rib chiqilgan. Globallashuv davrida haqqoniy informatsion va innovatsion muhitni yaratish muhim masalalardan biri ekanligi tahlil qilingan. Texnologiya vositalaridan foydalanishning axloqiy me'yorlari hamda virtual olamda axborotni analiz qilishning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida fikrlar bayon qilingan. Axborotlashgan va innovatsion jamiyatning informatsion muhitga ta'siri tadqiq qilingan. Informatsion madaniyatning shakllanishi kishilar ma'naviyati va madaniyatida yuzaga keltirayotgan o'zaro yangicha muhit haqidagi fikrlar taxlil qilingan.

Kalit so'zlar: kreativ tafakkur, informatsiya, komunikatsiya, virtual olam, informatsion madaniyat, axborotlashgan jamiyat, neofobiya, manipulyatsiya.

Boynazarov Odil Fayzullaevich
Samarkand State University
(Samarkand, Uzbekistan)

DIALECTICS OF CREATIVE THINKING AND INFORMATIVE CULTURE

Abstract: In this article analyzed dialectics of creative thinking and informative culture. The role of technological-informative culture in the growth of a person, the formation of his creative thinking potential, has been considered during various approaches. It was analyzed that in the era of globalization, the creation of a truthful informative and innovative environment is one of the important issues. Opinions on the moral norms of the use of technology tools, as well as the peculiarities of information analysis in the virtual world are expressed. The impact of information and innovation on the information environment of the society has been investigated. The opinions about the new mutual environment that the formation of Information Culture brings about in the spirituality and culture of people have been analyzed.

Keywords: creative thinking, information, communication, virtual scientist, information culture, informatized society, neophobia, manipulation.

*Бойназаров Одил Файзуллаевич
Самаркандский государственный университет
(Самарканд, Узбекистан)*

ДИАЛЕКТИКА КРЕАТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ И ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ

Аннотация: *В этой статье представлена анализ диалектика креативного мышления и информационной культуры. Роль технологически-информационной культуры в развитии человека, формировании его творческого созерцательного потенциала рассматривается на основе различных подходов. Анализируется, что в эпоху глобализации одним из важных вопросов является создание достоверной информационной и инновационной среды. Изложены этические нормы использования технологических средств, а также мнения об особенностях анализа информации в виртуальном мире. Исследовано влияние информатизированного и инновационного общества на информационную среду. Проанализированы мнения о новой среде формирования информационной культуры, возникающей в духовности и культуре людей.*

Ключевые слова: *креативное мышление, информация, коммуникация, виртуальный мир, Информационная культура, информационное общество, неофобия, манипуляция.*

Bugungi kunda respublikamizda ilm-fan va innovatsiya texnologiyalarini rivojlantirish, yuqori malakali ilmiy va ilmiy-texnik kadrlarni tayyorlash, ilmiy tadqiqotlarning ta'lim va ishlab chiqarish bilan integratsiyalashuvi bo'yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek: "Bugungi kunda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, internet tizimini keng rivojlantirmasdan turib mamlakatimizni modernizatsiya qilish va yangilash. Barqaror taraqqiyotga erishishi haqida so'z yuritish mumkin emas". [1. 86]

Informatsion madaniyat sohasini kengaytirish orqali kishilarning yangilikka bo'lgan ehtiyojini qisqa soniyalarda qondirish o'z samarasini bermoqda. Ammo bu borada natija orqasidan quvib sifatni esdan chiqarmasligimiz zarurdir. Dialektikaning "miqdor o'zgarishining sifat o'zgarishiga o'tishi" qonuni jamiyatga amaliy tadbir qaratilgandir.

"Ayni vaqtda barchamiz bir haqiqatni unutmashimiz zarur: axborot maydonidagi turli bahs va tortishuvlar, avvalo, haqqoniylik va xolislik tamoyillariga asoslanishi, qonun va odob qoidalari doirasida bo'lishi, shaxsiy g'araz va xusumatga, soxta obro' orttirish usuliga aylanib ketmasligi, inson shaxsi va sha'nini tahqirlashdan yiroq bo'lishi, bunday salbiy holatlarga bizning media maydonimizda mutlaqo o'rin bo'lmasligi kerak" [2]

Jamiyatning yangiliklarga o'chligi axborotni tez fursatlarda yangilanib borishini talab qilmoqda. Azaliy tushunchalar esa o'z qamrovi jihatidan kengroq ma'nolarni bildirmoqda. Madaniyat tushunchasi ham shular jumlasidandir. Informatsion madaniyat jamiyatni axborot xurujlaridan himoyalovchi, uni tarqatuvchi va undan foydalanuvchilarga axloqiy yo'riq ko'rsatuvchi tushuncha sifatida asosiy ko'priq vazifasini o'tamoqda. Albatta bularning barchasi kishilarning intellektual

salohiyati va kreativ tafakkurining yuksalib borishi natijasidir.

XX asrning buyuk mutafakkirlaridan biri Karl Yaspers eramizdan oldingi 800 yildan to 200 yillar orasidagi olti yuz yillik davrni insoniyat tarixidagi buyuk burilishlar davri bo'lgan deb hisoblaydi. Uning fikricha, aynan o'sha davrda insoniyatning keyingi taraqqiyot davrini belgilab beruvchi yuksak ma'naviyatlar bir-biriga bog'liq bo'lmagan holda rivojlandi. Shu yuksak ma'naviyatning rivojlanishi taraqqiyot bosqichlarining madaniyati, tafakkur tarzining rivojlanishini belgilab beruvchi g'oyalar, ta'limotlar, insoniyat turmush tarzini osonlashtiruvchi yangicha dunyoqarashlar timsolida doimo hal qiluvchi ahamiyat kasb etdi. Aynan shu davrda "ong ong tomonidan anglab olindi. Tafakkur esa tafakkur uchun tahlil qilish obyektiga aylandi. Barcha yonalishlarda universallikka o'tish amalga osha boshlagan edi" [3. 33] - deb yozgan edi u. Bizning ana shunday o'tmish haqidagi axborotlarga ega bo'lishimiz yangicha fikrlash tarzini shakllanishiga, barcha sohalarda kreativ yondashishga undab kelmoqda.

Zamonaviy jamiyatning belgilaridan biri tez sur'atlarda globallashtirish jarayonidir. Jamiyatni axborotlashtirish, uning axborot bazasini yangilash globallashtirish bormoqda. Kommunikatsion muhitning barqarorligini ta'minlash va kishilarda kreativ tafakkurni shakllantirishda informatsion madaniyatning ahamiyati sezilarli tarzda oshib bormoqda. Bugun dunyoda yuz berayotgan to'rtinchi sanoat dvigatelini-harakatga keltiruvchi kuch kreativlikdir. Shaxsda kreativlik sifatlarini rivojlantirish uchun dastlab bu tushunchaning mazmunini bilish lozim.

Kreativlik shaxsni rivojlantiruvchi kategoriya sifatida inson tafakkuri, ma'naviyatining ajralmas qismi hisoblanadi, u shaxs ega bo'lgan bilimlarning ko'pqirrali ekanligini emas, balki yangi g'oyalarga intilish, o'rnatilgan stereotiplarni isloh qilish va o'zgartirishda, hayotiy muammolarni yechish jarayonida kutilmagan va noodatiy qarorlar chiqarishda namoyon bo'ladi. Ya'ni, berilgan bilimlarni takrorlash orqali kreativlikka erishib bo'lmaydi, ijodiy fikrlash jarayonida yangi fikr, yangi g'oyaning paydo bo'lishi asosiy shartdir.

Kreativlik mustaqil fikrlash hamdir. Birinchi Prezidentimiz takidlaganlaridek: "Demokratik jamiyatda bolalar, umuman har bir inson erkin fikrlaydigan qilib tarbiyalanadi. Agar bolalar erkin fikrlashni o'rganmasa, unga berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar. Albatta, bilim kerak. Ammo bilim o'z yo'liga. Mustaqil fikrlash ham eng katta boylikdir" [4. 70]

Insonning kreativ dunyoqarashi natijasida kommunikatsiya vositalarining yaratilishi infarmatsion muhitda inqilob bo'lishiga olib keldi..

Axborotlashgan jamiyat innovatsion va kreativ tafakkur xosilasidir. Axborotlashgan jamiyat atamasi dastlab Yaponiyadqa vujudga kelgan. Bu termini fanga birinchi bo'lib yapon faylasuf olimi Xayashi kiritgan. Uning fikricha, moddiy mahsulot emas, axborotlashuv mahsuloti jamiyatning shakllantiruvchi va rivojlantiruvchi kuchiga aylanadi. [5. 493]. Axborotlashgan jamiyat oldingi jamiyatlardan moddiyligi bilan emas balki axborotning miqdori va sifati hamda bilimning birinchi o'rinda turishi bilan ajralib turadi. Axborotni sintez qilish jarayonida intellektualizatsiya yuqori turishi lozimdir. Chunki intellektualizatsiyaning vazifasi – axborot yaratish va uni idrok qilish qobiliyatini rivojlantirish, ya'ni jamiyatning intellektual salohiyatini oshirish, shu jumladan sun'iy intellektdan foydalanish jarayoni hisoblanadi.

Yo'nalishsiz, sohaviy innovasion tafakkurni shakllantirish asosida yangi

g'oyalarni ishlab chiqish, amalga oshirish va tarqatishga qaratilgan bo'lib, faoliyat muntazam jarayonga aylangach, kreativ tafakkur mahsuldor, ijodiy faoliyat, ya'ni mahsuldor faoliyat darajasiga ko'tariladi. Shu tariqa kognitiv, intellektual yangilik shakllanadi. [6. 571] Kreativ tafakkur tarzi ilmiy tafakkur tarzi bilan bog'liqdir. Har qanday kreativ fikrlay oluvchi avvalo, ilmiy bilimga ega bo'lishi va fikrlari shunchaki faraz emas, balki ilmiy isbotlangan bo'lishi zarur.

Informatsion madaniyatning shakllanmaganligi natijasida kishilar dunyoqarashida axborot manipulyatsiyasi (qaramlik) kuzatiladi. Axborotni tarqatish va undan foydalanishdagi cheklolvar bu inson huquqlarining buzilishi emas, balki axloqiy qarashlarning ustunligi bilan qaralishi kerak.

Yuqorida bayon qilingan fikrlardan quyidagi xulosalarga kelamiz:

Birinchiidan: axborot bugungi kunda, kishilarning dunyoqarashiga mos kelishi va uni yangilik qilishga undashi lozim. Gumanizm, tolerantlik, axloqiy va estetik xususiyatlarni o'zida jamlagan informatsiya kishilarni komillikka boshlaydi.

Ikkinchiidan: kreativ fikrlash jarayonida yuzaga keladigan foydali axborotlar jamiyatning axborotlashuviga, uning taraqqiyotiga sabab bo'ladi. Informatsion madaniyatning rivojlanishi esa ezgu g'oyalar bilan boyitilgan kreativ tafakkurni shakllantirishdagi asosiy omillardan biridir.

Uchinchiidan: globallashuvni shakllantiruvchi va uning to'lqini vazfasini axborot vositalari hamda informatsion muhit tashkil etadi. Axborotdan to'g'ri foydalanish, informatsion madaniyatni shakllantirish muhim masaladir. Zero, jamiyatni boshqarish axborot manbalarining ishonchililigiga ham bog'liqdir. Bunda shubhali informatsiyaning simulyakrlik vazifasini bartaraf etish muhim vazifadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:

1. Mirziyoyev.Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild. T.: "O'zbekiston". 2017, -P. 592.
2. Mirziyoyev.Sh.M. "Matbuot va ommaviy axbotot hodimlariga" so'zlagan nutqi 27.06. 2019. www.pv.uz.
3. Карл Ясперс. Смысль и назначение истории. Москва, 1991. – P. 33.
4. Karimov I. A. Yoshlar bugungi va yertangi hayotimizning hal qiluvchi kuchidir - T.: -"Manaviyat" 2015. – P. 128.
5. Yaxshilikov J., Muhammadiev N. Milliy g'oya: O'zbekistonni Rivojlantirish strategiyasi. - T.: "Cho'lpon", 2018. – P. 684.
6. Sultanova G. S. Innovative thinking and heuristics // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (4), – P. 568-574. 2020.

SECTION: PHILOSOPHY

Бахриев Отабек Аманиллаевич
Международный научно-исследовательского центр Имама Бухари
(Самарканд, Узбекистан)

МЕТОДЫ ИМАМА БУХАРИ В ПИСАНИИ АЛЬ-ДЖАМЕ АС-САХИХ

В статье приводятся сведения о некоторых методах написания шедевра, написанного нашим великим соотечественником Имамом Бухари, «Аль-Джами ас-Сахих». Также есть информация об этой работе.

Ключевые слова: хадис, стиль, сахих, санад, рассказчик.

Бахриев Отабек Аманиллаевич
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази
(Самарқанд, Ўзбекистон)

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ” АСАРИНИ ТАЪЛИФ ЭТИШДАГИ УСЛУБЛАРИ

Мақолада буюк ватандошимиз – Имом Бухорийнинг қаламига мансуб шоҳ асар ҳисобланган “ал-Жомиъ ас-Саҳих”нинг ёзилишидаги услубларининг баъзилари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, мазкур асар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: хадис, услуб, саҳих, санад, ровий.

Маълумки, биз ислом умматига Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан бири, Ислом арконларини ўзида мужассам этган Қуръони каримни сақлашни Ўз зиммасига олгандир. Аллоҳ таолонинг: **“Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз”**¹ деган сўзи фикримизни қувватлайди.

Динимизда “Суннати Набавийя” Қуръони каримдан кейинги иккинчи ваҳий деб эътибор қилинади. Буни Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу ўринда: *“Билиб қўйинглarki, менга Китоб билан бирга унинг мисли ҳам берилди”* [1. 651] деб айтган сўзлари тасдиқлайди. Демак, “Суннати Набавийя”ни сақлаш ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларга жорий қилган ҳукмларни авайлаб-асраш билан баробардир. Зеро, Аллоҳ таоло уни асрашни бандаларга топшириши У Зотнинг уларга қилган улў миннатидир. Шу сабабли Аллоҳ таоло бу масъулиятни ишни маълум бир кишиларга топширди. Бу буюк инсонлар бузгунчиларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини ўзиники қилиб олишидан ҳамда хиёнаткор ва жоҳилларнинг уни бузиб таъвил қилишидан сақладилар. Улар бу йўлда саҳих ҳадисларни тўплаш мақсадида бир қанча машаққатли вазифани босиб ўтдилар.

¹ Ҳижр, 15/9.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ўзгаришдан ва ҳалокатдан сақлашни топширган ўша кишилардан бири, ҳадис илмида мўминларнинг амири ҳисобланган Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳазратлари бўлса, ажаб эмас. Зеро, Имом Бухорий молининг энг сарасини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини тўплаш йўлида сарф қилдилар. У кишининг сермаҳсул ижодлари натижасида бу олам ўзида жуда нафис дурдоналарни жамлаган “ал-Жомий ас-Саҳиҳ” (Ишонарли тўплам) деган китобга гувоҳ бўлди.

Шубҳасиз, Ислому оламида Қуръони каримдан кейинги манба деб эътироф этилган ушбу асар ҳалқ орасида “Саҳийҳул Бухорий” номи билан ҳам машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончилиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди. Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, Имом Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат [2. 20].

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий “ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарини ёзишда ўзларининг йўналишига хос бўлган бир нечта услубларни қўллади ва бу услублардан баъзилари ровийлар санадига² боғлиқ бўлса, баъзилари фикҳга³ оид услублардир.

Имом Бухорийнинг санадга оид бўлган услублари жуда ҳам кўп бўлиб, уларни англаш ва фаҳмлаш фақатгина жиддий эътибор қилиш ва бу асарни диққат билан ўқиш орқали амалга ошади. Қуйида Имом Бухорийнинг шу мавзуга боғлиқ бўлган баъзи услубларини келтириб ўтамыз:

Мутабиат⁴ ҳадисларни кўп келтиради.

Имом Бухорийнинг мутабиатлари бошқа муҳаддисларнинг мутабиатларидан анчагина мушкулдир. Шунинг учун кўпинча у киши мутабиат ҳадисларни зикр қилмайди. Бу нарса фақатгина ровийлар табақаларидан ва шайхларнинг⁵ бир-бири билан йўлиқишидан хабардор бўлган кишигина билади [3.1/8].

Санадлардан энг аввалгиларнинг санади билан ривоят қилинган ҳадисни ихтиёр қилиши.

Имом Бухорийнинг наздида санадларнинг энг олийси уч кишидан иборат бўлган санад бўлиб, ўзининг саҳиҳларида 22та ҳадисни “Суласий иснод” билан ривоят қилган [4.1/337]. Бу ҳадисларнинг кўпроғи Маккий ибн Иброҳимдан, баъзилари Зоҳҳак ибн Муҳолладдан ва баъзилари Холлад ибн Яҳёдандир. Саҳиҳул Бухорийда санадларнинг энг узун тўққизталиқ санад бўлиб, бу санад билан фақатгина битта ҳадис, яъни “Фитна”лар китобидаги “Яъжуж-маъжуж” бобида келтирилган ҳадисдир [5.3/105].

² Ҳадисни ривоят қилган кишилар занжири.

³ Ислому динидаги ҳукмларга оид масалалар.

⁴ Агар ровий бир ҳадисни ривоят қилган бўлса, бошқа ровий ҳам ўша ҳадиснинг лафзларига ёки маносига уйғун бўлган ҳадисни ривоят қилса, бу ҳадис мутабиатдир.

⁵ Шайх – У кишидан ҳадис олинган узтоздир.

Санадларнинг энг саҳиҳи деб сифатланган санадларни танлаши [6. 9].

Масалан,

1. Молик, у Нофеъдан, у Ибн Умардан
2. Зухрий, у Солимдан, у отасидан
3. Нахаъий, у Алқамадан, у Ибн Масъуддан
4. Зухрий, у Али ибн Хусайндан, у отасидан

5. Абдууроҳман ибн Қосим, у отасидан, отаси Оиша онамиздан [7. 12].

“Бизларга ҳадис айтиб берди”, “Бизларга маълум қилди”, “Бизларга хабар берди” ва “Бизлар эшитдик” жумлаларининг ўртасини фарқламайди.

Имом Бухорий бу сийғаларнинг ўртасида фарқ бўлмаганлиги сабабли “Саҳиҳул Бухорий”нинг “Илм” китобида алоҳида боб тузган [5.1/144]. Ваҳоланки бу Ҳижоз ва Куфа улуғларининг танлаган йўлидир. Аммо баъзи муҳаддислар бу сийғаларнинг ўртасида фарқ бор, деганлар. Имом Муслим ўзининг саҳиҳида Имом Бухорийнинг фикрига мойил бўлганини, айтган.

Агар ҳадиснинг ровийси Имом Бухорига нотаниш бўлса, ровийнинг насабини ва ватанини зикр қилиб ўтади [5.5/302].

Диққат билан қаралса, Имом Бухорий ўзларининг саҳиҳларини мукамал даражада бўлиши учун ҳеч нарсани назардан четда қолдирмаган.

Ҳадисни саҳобадан эшитган тобеъинларнинг ёзган саҳифаларидан олиб нақл қилиши.

Тобеъинларнинг ёзган саҳифаларидан ҳадис олиб ривоят қилишда муҳаддисларнинг йўллари ҳар хил бўлган. Бу масалада Имом Бухорий шундай йўл тутганки, саҳифадаги биринчи ҳадисни зикр қилиб, сўнгра шу бобда айтилиши ирода қилинган ҳадисни зикр қилади. Худди тобеъинлардан бўлган Абу Зиноднинг саҳифасидаги ҳадисни келтиргани каби. Бу ҳадисни Абу Зинод Аърождан, у айтади: “Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: **“Бизлар пешқадамиз, охиргилармиз”** деяётганларини эшитган экан”.

Имом Бухорий шу санад билан бобга алоқаси бўлган: “Бирортангиз оқмайдиган турғун сувга бавл қилмасин, (чунки) кейин унда ғул қилиши бор” [5.1/347] деган ҳадисни келтирди.

Имом Бухорийнинг дўсти Имом Муслим бу борада бошқа йўл тутган. Масалан, у киши келтириб ўтган ҳадисига ишора қилиб, Ҳумам ибн Мунаббаҳ ўз саҳифасида айтади: “Бу ҳадисни бизларга Абу Ҳурайра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ҳадис айтиб берди”. Шундан кейин у кишидан ҳадисларни зикр қилади ва “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар” дейди [8. 38].

Гоҳида “Ҳаддасана” (Бизга ҳадис айтиб берди) сўзидан олдин вов ҳарфини келтириб, “Ваҳаддасана” деб айтиши.

Бу борада Имом Бухорий битта ҳадис ривоят қилган. Имом Муслимда бунга ўхшаш жумлалар жуда кўп келган.

Абдулҳақ ибн Абдулвоҳид Ҳашимий Маккий раҳимаҳумуллоҳ шундай деганлар: “Бунга эътибор қаратиш жуда аҳамиятли иш бўлиб, бирорта ҳадис шарҳловчиларининг буни китоб ўқувчига огоҳлантириб кетганини топмадим. Мен бу йўлда ҳар қанча изланиш олиб борсам ҳам, таваққуф топадиган илмга

эга бўлмадим. Шу масалада мен учратган муҳаддис ва фуқоҳалардан сўраганимда, менинг кўнглимдан чигаллик кетказадиган жавобни бермади, балки кўпчилиги “Бу бекорчи савол” деб мендан ажабланар эди. Хатто бир марта Анвар Шоҳ Дибандийга⁶ мактуб ёзганимда, менга “Муқаддимату шарҳу Нававий” китобини ўқишликни тавсия қилди. Ваҳоланки мен шу вақтгача шу китобнинг ўзидан ҳам, шарҳидан ҳам излаган нарсанинг жавобини топалмадим. Сўнгра мен Аллома Айнийнинг “Саҳиҳул Бухорий”га ёзган шарҳида: “Бу вов гапни янгитдан бошлаш учундир. Ҳолбуки мусаннифлар бу нарсга эътибор бермадилар” [3.12/195] деган сўзини топдим [9. 69].

Баъзилар, бу вов атф воқи бўлиб, юқоридаги саҳиҳ ҳадисни кейинги ҳадисга боғлайдиган вовдир. Бу эътиборсиз гапдир. Чунки Имом Муслим кўпинча бу вовни олдиндаги ҳадисга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам келтиради.

Баъзилар айтади: Бу вов шайхнинг ривоят қилган ҳадисларига кўра атф учундир. Бунинг кўриниши шундай бўлади: Масалан, бир муаллиф (ҳадис тўпловчи) устозидан мажлисларнинг бирида юзта ҳадис эшитди. Шунда муаллиф биринчи ҳадисдан бошқа битта ҳадисни ривоят қилишни ҳоҳласа, ўша ҳадисга ишора қилиб вовни келтиради [3.3/96].

Абдулҳақ ибн Абдулвоҳид Ҳашимий Маккий раҳимаҳумуллоҳ ўзининг “Одатул Бухорий” асарида шунга ўхшаш услублардан 63 тасини санаб ўтганлар. Имом Бухорийнинг бундай услубларини қўллаганлигидан, албатта, бу асарнинг нақадар бебаҳо эканлиги маълум бўлади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Абу Довуд. Сунану Абу Довуд. – Байрут: Дару рисалатул ʼаламийя, 2009.
2. Ибн Салоҳ. Муқоддимату фи улумил ҳадис. – Сурия: Дарул фикр, 1986.
3. Бадруддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айний. Умдатул Қори шарҳу Саҳиҳул Бухорий. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 2009.
4. Фуад Сизкин. Тарихул туросил арабийийи. – Саудия Арабистони: ал-Жамеъатул Малики ас-Саъуд, 2006.
5. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқолоний. Фатҳул Барий шарҳу Саҳиҳул Бухорий. - Миср: ад-Дарул аълабийяти линнашри ваттавзиъ, 2013.
6. Жалолиддин Суютий. Луббул Лубаб фи таҳрири ансаб. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 1991.
7. Усмон ибн Абдуллоҳман аш-Шаҳарзурий ибн Салаҳ. Маърифату анваъи илмул ҳадис. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 2002.
8. Ҳумам ибн Мунаббаҳ. ас-Саҳифту ас-Саҳиҳату. – Дамашқ: Мажмаъул илмийий арабий, 1953.
9. Абдулҳақ ибн Абдулвоҳид Ҳошимий Маккий. Одату имамил Бухарий. – Кувайт: Мактаба аш-Шуъунул фанний, 2007й.

⁶ У киши Шайх Муҳаммад Анвар Кашмирий, 1875-1934 мел. йилда яшаб ўтган. Бир нечта китобларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг машҳури “Файзул Борий бишарҳи Саҳиҳул Бухорий”дир.

Қушшақов И.
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими
(Хўжа Исмоил, Ўзбекистон)

САМАРҚАНДДА ҲАДИС ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА МУҲАДДИСЛАР

Резюме: Ушбу мақолада VIII-XII асрларда Самарқандда яшаб ижод этган муҳаддислар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Муҳаддис, ҳадис, тафсири, фикҳ, усул (дин асослари), ақида, зуҳд.

Резюме: В этой статье представлена информация о мухадисах (хадисоведов) VIII-XII веков в Самарканде.

Ключевые слова: Мухаддс, Хадис, Тафсири, Фикх, Метод (Основы религии), Ақида, Зуҳд.

Resume: This article provides with information about muhadises (hadith experts) of the 8th-12th centuries in Samarkand.

Key words: Muhaddis, Hadith, Tafsir, Fiqh, Method (Fundamentals of Religion), Aqeedah, (ideology) Zuhd.

Мовроуннаҳрга VIII асрда кириб келишни бошлаган Ислом дини VIII–X асрларда ўзининг юксак даражадаги илмий ривожланиш босқичини ўтади. Ислом илмлари Мовароуннаҳр уламулари томонидан ривожлантирилиб, ўзининг энг юқори чўққисини эгаллади. Манбаларда таъкидланишича VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда уч мингдан ортиқ йирик муҳаддислар яшаб, фаолият кўрсатишган. Мазкур асрлар ҳадис илми тарихида олтин давр ҳисобланади. Чунончи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб тобора ривожланган ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида тўрт юздан зиёд муаллифлар шуғулланганлар. Ҳаттоки, бу даврда ҳадисларни ишончли манбаларга асосланиб, маромига етказиб илмий равишда тартибга солиш олимлар орасида энг сеvimли, зарурий машғулот даражасигача етган. Бу ўша даврда исломий илмлар ривожланиш даражаси қай даража ва ҳолатда бўлганини билишга имкон беради.

Милодий 960-970 йиллар орасида Самарқандга сафар қилган араб олими Абулқосим ибн Хавқал (ваф. 367/977 й.) “Ал-масолик ва-л-мамолик” (“Маслақлар ва мулклар”) номли асарида: “Самарқанд жаҳон олимлари, фозил кишилари, ёзувчи-ю адиблари йиғилган шаҳар бўлиб, уларнинг энг машҳурлари Самарқандда таълим-тарбия олиб, камолотга эришганлар”, – деган⁷.

Самарқандда бошқа илмлар билан бир қаторда ҳадис илми ҳам ривожланди. VIII асрда Ислом оламида ҳадисларга бўлган талаб кучайиб кетган бўлса, IX асрга келиб бу соҳада анча ишлар амалга ошириб бўлинган эди. Эндиги муҳаддисларнинг асосий вазифалари – йиғилган ҳадисларни саҳиҳ ва заиф гуруҳларга ажратиб уларни саралаш бўлиб қолди. Чунки ислом

⁷ Зиёдов Ш. Маҳмудов Қ. Самарқанд алломалари. – Т. Ғофур Ғулом, 2019. – Б. 10.

дини қанчалик кенг тарқалиши билан унда ечилиши лозим бўлган муаммолар шунчалик кўпайиб борар эди. Қуръондан исломга янги кирган халқларнинг ҳаётига оид муаммоларни ечиш учун жавоб топиш ҳар доим ҳам мумкин бўлмасди. Бундай пайтда ҳадислар асосий ўринга чиқар эди. Қуръонга ўзгартириш киритиш мумкин эмас. Ҳадисларнинг эса девон шаклига келтирилган ягона нусхаси ҳам, уларнинг тўқилган ёки саҳиҳ эканлигини текшириб турувчи соҳа бўлмаганлиги учун ҳадис тўқиш оммавий тус олган эди.

Ҳадис тўқишдан турли мақсадлар кўзда тутилган. Кимдир ўз ғоя ва манфаатларини кўзлаб бу ишга қўл урса, бошқалар диннинг жамиятдаги ўрнини ошириш учун, одамларни инсофга чақириш учун шундай қилганлар. Мавжуд ҳадисга бир сўзни қўшиш, тушириб қолдириш ёки уни сезилмас даражада ўзгартириб маъносини бутунлай бошқа тарафга буриб юбориларди. Ана шу ҳолатларни тўғрилаш мақсадида, соф исломий ақидани сақлаб, уни бошқаларга етказиш йўлида алломаларимиз буюк ишларни амалга оширган.

Самарқандда ҳадис илмининг илк даврда ривожланишига асос солган муҳаддис, Мовароуннахрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллим ва фақиҳ олимлардан бири – Абулмуқотил Ҳафс ибн Салм Фазорий Самарқандийдир. Аллома 208/823 йил Самарқандда вафот этган. Ушбу аллома ҳақида қомусий адабиётларда жуда кам маълумотлар учрайди. Унинг илмий мероси ва ёзган асарлари ҳақида ҳам маълумотлар кам.

Абулмуқотил Самарқандий ҳадис ривоят қилишда ўша даврнинг энг буюк кишиларидан бўлган. Аллома Самарқандда ҳадис илмининг ривожланишига туртки бўлган.⁸

Кўп асарларда алломанинг номи ровийлар қато-рида Ҳафс ибн Муслим деб зикр этилган.

Абулмуқотил Самарқандий ҳадис истилоҳида ҳасан сўзларни ривоят қилган⁹.

Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий Журжоний (890-976) “ал-Камил фий зуафои ар-рижол”¹⁰ асарида Абулмуқотил Самарқандий ҳадис ривоят қилганлари келтирилган.

Машҳур тарихчи Абу Саид Абдулкарим Самъоний (1113-1167) ўзининг “Ал-ансоб” (“Насабнома”) асарида ҳам Абулмуқотил Самарқандий ва унинг шогирдлари ҳамда авлодларининг ҳадис илми тараққиёти йўлидаги хизматлари ҳақида алоҳида сўз юритади. Илм йўлида оилавий сафарбарлик қилиш самарқандлик муҳаддисларга хос хусусият эди. Бу шаҳарда яна кўплаб сулолавий муҳаддис оилалари бўлиб, улар бу ватанда илм-маърифат тарқатишда ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар. Абулмуқотил Самарқандий ва унинг авлодлари ҳанафий мазҳабига хос бағрикенглик таълимотининг ўлкамизда кенг тарқалишига катта ҳисса қўшганлар. Унинг авлодлари кейинчалик нафақат Самарқандда, балки бутун Мовароуннахрда маънавият тараққиёти учун хизмат қилдилар.

Абу Тоййиб Райҳон ибн Муҳаммад ибн Айюб Уструшаний ўзининг умри

⁸ Зиёдов Ш. Маҳмудов Қ. Самарқанд алломалари. – Т. Ғофур Фулом, 2019. – Б. 19.

⁹ Иброҳим ибн Ёқуб Жузжоний. Аҳволу-р-рижол. – Байрут. Муассасату-р-рисола, 1985. – Б. 203.

¹⁰ Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий ал-Журжоний. Камил фий зуафои ар-рижол. – Байрут. Дар ал-фикр, 1988. – Б. 392-394.

давомида жуда сермаҳсул илмий ижод қилди. Уструшанада туғилиб, шу ерда таҳсил олади ва кейинчалик илмини ривожлантириш учун Самарқандга кўчиб ўтади. Аллома ўз замонасида жуда кўплаб ҳадислар ривоят қилган ва ундан ҳадисларни шайх Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад Шиблий, шайх Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад Форисий ва бошқалар ривоят қилганлар. Бундан ташқари, у ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бири эди. Унинг Абдулмулк деган ўғли бўлиб, у ҳам муҳаддис эди. Ўғли Абдулмулк ибн Райҳон Уструшаний отаси ҳақида шундай ҳикоя қилади: “Мен дастлабки илмини ўз падари бузрукворимдан олдим. Отам (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) 357/968 йили Самарқандда вафот этиб, Навқамин работига дафн этилди”.

Аллома ўз замонасида жуда кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Унинг шогирдларидан бири Абу Саид Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Идрисий Астрободийдир (ваф. 1015 й.). Унинг Самарқанд муҳаддислари ҳаёти ва фаолиятини ўзида жамлаган “Қитобу-л-камол фи марифати-р-рижол мин уламо Самарқанд” (“Самарқанд уламоларидан бўлган ҳадис ровийларини танишдаги тўлиқ қитоб”), “Тарихи Астробод” (“Астробод тарихи”) каби асарлари бор. Идрисий илм талабида Ироқ, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида, жумладан, Бағдод, Марв, Нишопур, Журжон, Бухоро, Шош, Кушония, Дабусия, Исбижоб каби шаҳарларда ҳофиз-муҳаддислардан ҳадис тинглади ва улардан ҳадис ривояти учун ижозат олди. Идрисий Самарқандда 406/1015 йилда вафот этиб, Чокардиза қабристонининг “Талл асҳоби-л-ҳадис” қисмида қарор топди¹¹.

Ўша даврнинг кўзга қўринган ва энг таниқли муҳаддисларидан Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад ибн Ҳиббон Абу Ҳотам Тамимий Бустий Сижистоний. Ибн Ҳиббон тахминан 280/894 йилга яқин таваллуд топган¹². Лекин бу санани ҳеч ким аниқ зикр қилмаган. “Саксон ёшдан ошиб вафот этди” дейилганига қараганда, алломанинг туғилган йили юқорида келтирилган санга мувофиқ келмайди. Аниқроғи, туғилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ. У Саффорийлар ва Сомонийлар даврида яшаб ўтган.

Ибн Ҳиббон шофиъий мазҳаби фақиҳларидан бўлиб, Самарқандда вояга етган ва у ерда бир муддат қозилик қилган.

Замонасининг улуғ алломаларини излаб, олий иснодларини ахтариб 40 дан ортиқ шаҳарларга хижрат қилди. Унинг илм талаб қилишдаги ҳаракатлари Сижистон, Ҳирот, Марв, Сўғд, Шош (Тошкент), Синж, Бухоро, Насо, Нишопур, Арғийон, Журжон, Техрон, Карак, Басра, Бағдод, Куфа, Мосул, Антокия, Журсус, Химс, Дамашқ, Байрут, Сайд, Рамла, Байтул Мақдис, Миср шаҳарларини ўз ичига олади¹³. Мана шу хижратида 2000 дан ортиқ алломалар билан учрашган Ибн Ҳиббон Шошдан Искандариягача бўлган ерда 2000 дан ортиқ олимлардан ёзиб олганини эслаб ўтган. Жумладан, Нишопурда Ибн Ҳузайманинг шогирдларидан бири бўлган. Басрада Абу Халифа Жумаҳийдан, Шомда Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ Калоъийдан ҳадис ёзиб олган. Шунингдек, ундан Абу Абдуллоҳ ибн Манда, Абу Абдуллоҳ ибн Баййиълар ҳадис

¹¹ Атаев М. Жиззах алломалари. – Т.: “Adib”, 2014. – Б. 51-52.

¹² Шамсуддин Заҳабий. Сияру аъломи-н-нубало. Ж. 31. – Байрут. Муассасату-р-рисола, 1985. – Б. 105.

¹³ Шамсуддин Заҳабий. Сияру аъломи-н-нубало. Ж. 31. – Байрут. Муассасату-р-рисола, 1985. – Б. 105-106.

ўрганишган¹⁴.

Ибн Ҳиббоннинг “Саҳиҳи ибн Ҳиббон” номли ҳадис китоби бўлиб, ундаги ҳадисларни 21 та ровийдан ривоят қилган. Асарда 7096 та ҳадис келтирилган. Ибн Ҳиббон ҳадис илмидан ташқари тиб, астрономия ва бошқа илмлардан воқиф бўлган.

“Саҳиҳ ибн Ҳиббон (Ал-муснаду-с-саҳиҳ ала-т-тақосими ва-л-анвоъ)” (“Ибн Ҳиббон саҳиҳи (Қисм ва навларга бўлинган саҳиҳ муснад)”), “Китобу-с-саҳоба”, (Саҳоба ҳақида китоб) “Китобу-л-фасли байна-н-нақала”, (Нақллар ўртасини ажратиш китоби) “Китобу-л-илал” (Иллатлар ҳақида китоб), “Асҳобу-т-таворих” (Тарих эгалари), “Китобу атбои-т-тобиъийн” (Тобъинларга эргашганлар ҳақида китоб), “Китобу-с-сиқот” (“Буюк инсонлар ҳақида китоб”) “Ал-мажруҳин” (“Мажруҳлар”) каби асарлар ёзган.

Муҳаммад ибн Солиҳ ибн Маҳмуд ибн Ҳайсам Каробисий Уштобдийзакий Самарқандий ҳадис ровийси, ишончли ва фозил инсон бўлган. Самарқанд ва Бағдодда илм аҳлининг жуда кўп вакиллари ҳадис ривоят қилган. Жумладан: Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримий, Абу Ҳафс Умар ибн Ҳузайфа Каробисий Бохиллий, Шуъайб ибн Лайс Коғазий, Ёқуб ибн Юсуф Луълуъий, Али ибн Довуд Қонтарий, Аббос ибн Муҳаммад Дурий, Муҳаммад ибн Исҳоқ Суғоний ва бошқалар. Ўз навбатида уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар. Аллома 322/934 йилда вафот этган¹⁵.

VIII-X асрларда номи бизга унчалик машҳур бўлмаган муҳаддислар фаолият кўрсатишган. Жумладан:

Имом Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қосим ибн Жаъфар Самарқандий. Туғилган йили ҳақида айрим манбаларда 149/766 йили кўрсатилган, баъзи манбаларда вафот этган йилини шу йилда кўрсатган.

Самъоний бундай деган: “У киши ҳақида Исмоил Ҳофиздан сўрагандим: “Ҳофиз имом, ҳадис тинглаган, жамлаган ва тасниф этган”, - деди.

Нажмуддин Умар Насафий “Ал-Қанд” асарида: “У ҳофиз имом, Абу Муҳаммад суннат тиргаги. Найсабурда яшаган. Уша замонда ҳадис илми борасида унга ўхшаш ҳеч ким бўлмаган. Унинг: “Баҳру-л-асонид фи сиҳоҳи-л-масонид” асари мавжуд бўлиб, унда юз минг ҳадис тўплаган. Кейин уларни тартибга солган ва кераксиз қисмларини олиб ташлаган. Исломда бунчалик иш воқе бўлмаган. Асар саккиз юз жуъдан иборат”, - деб келтирган.

Абдулғофир “Ас-сиёқ” асарида: “Абу Муҳаммад ҳадисларни сақлаб қолишда беназир бўлган. Нишопурда яшаб, ижод қилган. 149/766 йилда, Зу-л-қаъда ойида саксон ёшдан ошиб вафот этган”, - деди¹⁶.

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр Ҳамадоний Самарқандий. Аллома 223/838 йилда таваллуд топган. Отаси ҳадис илми соҳиби ва муҳаддислар табақасидан бўлган. Ўғли Умар билан турли жойларда илм сафарида бўлган.

“Ал-муснад”, “Ат-тафсир”, “Ас-саҳиҳ” ва бошқа асарларни тасниф этган.

Абу Саъд Идрисий аллома тўғрисида бундай дейди: “Фозил, хайрихоҳ,

¹⁴ Самъоний. Ал-ансоб. – Байрут. Дору-л-фикр, 1998. – Б. 349.

¹⁵ Самъоний. Ал-ансоб. – Байрут. Дору-л-фикр, 1998. – Б.162; Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. Ж. 1.– Байрут. Дор Содир, 1995. – Б. 195.

¹⁶ Шамсиддин Заҳабий. Сияр Аъломи-н-нубало. –Ж.19. Муассасату-р-рисола, 1985. – Б.206.

ҳадис борасида собитқадам бўлган. У кишининг ўзига хос фаолият ва риҳлатдаги ғоялари бўлган¹⁷.

Аллома 311/924 йилда вафот этган. Қаерга дафн этилгани тўғрисида манбаларда маълумот топилмади.

Самарқандда ҳадис илми ривожига ҳисса қўшган муҳаддислар жумласига яна қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

Ражо ибн Муржий ибн Рофиъ Ғифорий Самарқандий (ваф. 249/863 й.)¹⁸.

Яъқуб ибн Юсуф ибн Холид Молик ибн Саннон Лол Самарқандий (ваф. 265/879 й.).

Муҳаммад ибн Ямон Самарқандий (ваф. 268/881 й.).

Айюб ибн Сулаймон ибн Довуд Суғдий (ваф. 274/887 й.).

Аҳмад ибн Айюб Самарқандий (тахминан 150/767 йилларда яшаб ижод этган).

Иброҳим ибн Ҳамдавия Самарқандий (тахминан 250\864 йилларда ҳаёт бўлган).

Утайқ ибн Иброҳим ибн Шаммос Самарқандий (ваф. 258/871 ёки 259/872 й.).

Аъян ибн Жаъфар ибн Ашъаб Жахзаний Самарқандий (тахминан 354\965 йила вафот этган).¹⁹

Бу буюк муҳаддисларнинг тасниф қилган асарлари мазмун-моҳияти жиҳатидан бебаҳо бўлиб, умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломга мансуб бу қимматли ҳикматлар мажмуаси инсонларни ҳалол-покиза, иймон эътиқодли, адолатли, инсоф-диёнатли, меҳнатсевар, меҳр-мурувватли, раҳм-шафқатли, маърифатли, ватанпарвар, юртпарвар бўлишга, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат эътибор билан қарашга чорлайди.

Бу ибратли ўғитлар ҳозирги жамият аҳлини, айниқса, ёш авлодни илмми, зиёли, ватанига, эл-юртига фидойлик руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу буюк муҳаддисларнинг ҳаётлари, ижодлари ва ёзган асарлари биз авлодларга бир ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. Имом Бухорий халқаро маркази, 2016.
2. Зиёдов Ш. Маҳмудов Қ. Самарқанд алломалари. Имом Бухорий халқаро маркази, 2017.
3. Иброҳим ибн Ёқуб Жужжоний. Аҳволу-р-рижол. – Байрут. Муассасату-р-рисола, 1985.
4. Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий Жужжоний. Комил фий зуафои ар-рижол. – Байрут. Дар ал-фикр, 1988.

¹⁷ Шамсиддин Заҳабий. Сияр Аъломи-н-нубало. – Ж.7. Муассасату-р-рисола, 1985. – Б. 459.

¹⁸ Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. Имом Бухорий халқаро маркази, 2016. – Б. 342.

¹⁹ Ўша асар. – Б.41

5. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Самъоний. Ал-ансоб. – Байрут. Дору-л-фикр, 1998.
6. Шамсиддин Заҳабий. Сияр Аъломи-н-нубало. – Ж.7. Муассасату-р-рисола, 1985.
7. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: 2001 й.
8. Атаев М. Жиззах алломалари. – Т.: "Adib", 2014.

Олимова Дилдора Бахтиёрвна
Самарқанд давлат университети
(Самарқанд, Ўзбекистон)

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ “МЕЪРОЖНОМА” ҲИКМАТИ МОҲИЯТИ

Аннотация: мақолада тасаввуфда Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг меърож мўъжизасига муносабат масаласи ўртага қўйилиб, яссавия тариқати асосчиси, авлиё шоир Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Меърожнома” ҳикмати бадиий-тасаввуфий моҳиятини шу жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилинади. Шунингдек, асарнинг поэтик хусусиятлари, жумладан, унда рақамлар поэтикаси билан боғлиқ жиҳатлар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.), Хожа Аҳмад Яссавий, тасаввуф, мўъжиза, меърож, яссавия, ҳикмат, рақам, банд, тимсол, рамз.

Аннотация: В статье поднят вопрос отношения к чуду мираджа пророка Магомеда (с. а. в.) в суфизме, постарается показать художественно-суфийскую сущность хикмата “Мираджнаме” основоположника ордена яссавия, поэта-священного Ходжа Ахмада Яссави. А также анализируются художественные особенности данного произведения, в том числе, поэтика цифр, употреблённых в этом стихотворении.

Ключевые слова: Пророк Магомед (с. а. в.), Ходжа Ахмад Яссави, суфизм, чудеса, мирадж, яссавия, хикмат, цифра, куплет, образ, символ.

Шўро даврида Хожа Аҳмад Яссавий асарларига диний-мистик адабиёт намунаси сифатида қаралди. Ҳаёти ва ижоди ўрганилмади, китоблари чоп этилмади. Фақат собиқ тузумнинг сўнги йилларидаги қайта қуриш сиёсати туфайлигина халқ унинг ҳаёти ва ижоди билан танишиш бахтига муяссар бўла бошлади. Мустақиллик йилларида эса ўзбек илмида ўзига хос яссавийшунослик йўналиши юзага келди.

Бироқ ҳали бу шоир ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши лозим бўлган қирралари жуда кўп. Унинг ҳикматларида меърож талқини ана шундай долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Меърож – пайғамбаримиз Муҳаммад(с. а. в.)га Аллоҳ таоло тарафидан инъом этилган буюк мўъжизалардан бири. Адабиётшунос З. Н. Ғаффорова: “Меърож” сўзининг биринчи маъноси шоти, нарвон, иккинчи маъноси юқорига (қўкка) кўтарилиш, учинчи маъноси Муҳаммад(с. а. в.)нинг Маккадан Қуддусга бориши ва Қуддусдан қўкка чиқиши. Навоий асарларида бу сўз, асосан, ана шу учинчи маънода қўлланганини кўрамиз” (1), деб ёзади. Худди шундай, Хожа Аҳмад Яссавий асарларида ҳам “меърож” сўзи фақат ана шу учинчи маънода ишлатилади. Меърож талқин этилган асарлар эса адабиётшуносликда умумий тарзда “меърожнома” деб юритилади (1:18).

Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида қайта-қайта меърож тилга олинади. Бошқача айтганда, шоир лирик қаҳрамони учун руҳнинг Ҳаққа етиши борасида меърождан устунроқ даража йўқ. Ҳикматлардаги меърож талқинларини атрофлича ўрганиш – монографик асосда алоҳида тадқиқ этишни тақозо

қилади.

Ушбу мақолада биз ҳикматлар орасида меърож кенг талқин этилган бир нисбатан йирик асарини кўриб ўтишни мақсад қилдик. Бу – ҳар банди “Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга” сатри била тугайдиган ҳикмат. У – жами 23 банддан иборат. Ҳажмига кўра, уни кичикроқ бир дostonча сифатида қабул қилиш ҳам мумкин. Шундан келиб чиқиб, биз бу ҳикматни, шартли равишда, “Меърожнома” деб аташни ҳам лозим топдик.

Шеърнинг биринчи банди иккинчи мисрасида: “*Не сабабдин олтмиш учга кирдим ерга?*”, деган савол қўйилади:

*Аё дўстлар, қулоқ солинг айтдугимга,
Не сабабдин олтмиш учда кирдим ерга? (2).*

Кейин унга аввал шундай жавоб қайтарилади:

*Меърож узра Ҳақ Мустафо руҳим кўрди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:48).*

Бу ерда аввал икки муҳим нарсага аниқлик киритиб ўтиш зарур. Биринчиси – Муҳаммад (с. а. в., 570/71 – 632), ҳижрий ҳисоб бўйича, 63 йил умр кўрган. Иккинчиси, Аҳмад Яссавий 63 ёшга етганидан кейин ертўла қазиб, қолган умрини ўша ерда яшаб ўтказган.

Бадийи қурилмаси жиҳатидан қарасак, бундан кейинги ҳар бир банднинг дастлабки уч сатри тўртинчи сатрдаги ҳолатни изоҳлайди, аниқроғи, унинг сабаби тарзида келади.

Лирик қаҳрамонининг даъвосига кўра, пайғамбаримиз (с.а.в.) меърожи пайти Аҳмад Яссавийнинг руҳини кўрган экан. Шунда ул зот шериклари – Жаброил (а.)дан сўрабди:

*Ҳақ Мустафо Жаброилдин қилди савол:
“Бу нечук руҳ танга кирмай топди камол,
Кўзи ёшлиғ, ҳалққа бошлиғ, қадди ҳилол”?
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:48).*

Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) меърожи, милодий ҳисоб билан айтганда, VII асрда содир бўлган. Аҳмад Яссавий эса XI асрда, яъни орадан тўрт юз йилча ўтганидан кейин туғилган. Шунинг учун унинг руҳи ҳали танага кирмаган эди. Лекин шунда ҳам у камол топган бир руҳ бўлиб пайғамбарга кўринган, кўзи ёшланган, ҳалққа бошлиқлиги билиниб турган, қадди эса ҳилол, яъни янги чиққан ёй мисол эгик экан...

Жаброил бу руҳ пайғамбар(с.а.в.)нинг умматларидан экани, у кўкка чиқиб, малойикалардан таълим олаётганини, унинг нолишига қўшилиб, еттинчи осмон ҳам нола қилаётганини тушунтиради:

*Жибрил айтди: “Уммат иши сизга барҳақ,
Кўкка чиқиб, малойикдин олур сабақ,
Нолишига нола қилиб ҳафтум табақ”,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:48).*

Биринчидан, Аҳмад Яссавий руҳи кўкка парвоз этган, еттинчи осмонга етган, иккинчидан, у малойикалардан сабоқ оляпти. Кейинги бандларда ҳикоя қилинишича, пайғамбар бу руҳни, “*фарзандим*”, дейди. Шундан сўнг арвоҳ, яъни руҳлар унга салом беришади. Пайғамбар (с.а.в.) Аҳмад Яссавий руҳига: “Менинг йўлимда пайдо бўл, Аллоҳга зикр айт!”, деганидан кейин руҳ:

*“Роҳим ичра пайдо бўл!” – деб нидо қилки,
“Зикр айт!” – деди, аъзоларим титрай берди,
Роҳим кирди, сўнгақларим: “Аллоҳ!” – деди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:49).*

Кейинги бандда тўрт юз йилдан кейин чиқиб, уммат бўлиши, халққа йўлбошчилик қилиши, юз ўн тўрт минг мужтаҳид, яъни диний масалаларни ҳал қилувчи олим уни ҳурмат қилиши ўша меърож кечасида айтилгани тилга олинади:

*Тўрт юз йилдин кейин чиқиб, уммат бўлғай,
Неча йиллар юриб, халққа йўл кўреузғай,
Юз ўн тўрт минг мужтаҳидлар ҳурмат қилғай,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:49).*

Бу ердаги *“юз ўн тўрт минг”* рақами ҳам бекорга қўлланаётгани йўқ. Бунда Қуръони каримда 114 сура мавжудлигига ишора ҳам сезилиб турибди.

Бугунги китобхон мазкур асарга дунёвий нуқтайи назардан туриб қараса, унда тамоман ҳаёлий, афсонавий нарсалар ҳақида сўз бораётгандек туюлади. Агар Аҳмад Ясавий ҳикматларининг адресати, яъни кимга йўналтирилганини аниқлашга киришсак, улар тасаввуфдан бохабар кишиларга мўлжаллангани ойдинлашади. Эътиқоди сўфийликка мойил киши учун бу гаплар афсона бўлиб туюлмади.

“Меърожнома” давомида, оддий одам кўзи билан қараганда, яна ҳам ғайриотадий воқеалар баёнига дуч келамиз. Мана, Аҳмад туғилди ҳам. Лекин у дунёга келганидан кейин, ҳатто, тўққиз соат ҳам туролмай, кўкка учди, бориб, Аршу Курсий поясини қучади, яъни унинг руҳи худдики пайғамбар (с.а.в.) меърождаги янглиғ парвоз этади:

*Тўққиз ою тўққиз кунда ерга тушдим,
Тўққиз соат туролмадим, кўкка учдим,
Аршу Курсий поясини бориб қучдим,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (50).*

Меърож кечаси пайғамбар (с.а.в.) айнан Аршу Курсийга парвоз қилган ва шoir бу истилоҳларни қўллашда шуни назарда тутган.

“Ислom ақидасига кўра, Арш – Ер, осмонлар, юлдузлар ва Курсийдан ҳам катта ҳажмдаги маевудот” (3). У тўққизинчи осмондаги Тангри таолонинг макони сифатида ҳам тасаввур қилинади. Пайғамбар (с.а.в.) меърож кечаси айнан тўққизинчи осмонга – Тангри таоло ҳузурига етиб борган. У билан икки қош орасичалик яқинликда турилган ҳолда, савол-жавоб бўлиб ўтган. Ўртада эса парда бўлган.

“Курсий” сўзи араб тилида *“тахт”* маъносини англатади. *“Қуръоннинг “Бақара” сурасидаги 255-оят “Оят ал-Курсий” деб номланган. Унда “Аллоҳнинг Курсийси Еру осмонлардан ҳам кенглик қилади”, – деган ибора бор. Унинг тафсирида баъзи олимлар, Аршининг кенг ва катталиги – Еру осмонларни ўз ичига сиғдиргудек ҳажмда, деб билса, баъзилар, Еру осмонлар, уларнинг ичи ва ташқарисидаги барча нарсалардан хабардор бўлиш Аллоҳнинг илмидир, деб ҳисоблайди”* (4).

Демак, бу шеърни тушуниш учун ислom тасаввурларига эга бўлиш талаб қилинади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда янги дажадаги ўзбек ислomшунослиги юзага келди ва у жадал тараққий эта боряпти. Шунинг

учун ҳозирги пайтда Аҳад Яссавий шеърияти моҳиятига етиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Шеърнинг давомида ёзилишича, тўққиз соатлик чақалоқнинг руҳи Аршга бориб, намоз ўқиган, Ҳаққа зорини айтиб, кўз ёшларини тўккан:

*Арш устида намоз ўқиб, тизим букдим,
Зорим айтиб, Ҳаққа боқиб, ёшим тўкдим,
Ёлғон ошиқ, ёлғон сўфий кўрдим, сўкдим,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:50).*

Бу бандда яна бир нозик нуқта мавжуд. Лирик қаҳрамон ёлғон ошиқлар, яъни сохта сўфийларни қоралайди, уларни сўкканини таъкидлайди. Кейинги тўртликда эса ҳақиқий сўфий бўлишнинг икки шarti илгари сурилади. Биринчиси – жондан кечиш, иккинчиси – Ҳақни топганини пинҳон тутиш, яъни элдан яшириш:

*Жондин кечмай: “Ху-ху!” – дегон – бори ёлғон,
Бу гумроҳдин сўрманг савол, йўлда қолғон,
Ҳақни топғон ўзи – пинҳон, сўзи – пинҳон,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:50).*

Англашиладики, олтмиш уч ёшда ерга киргани ҳам – бир томондан, Ҳақни топганини пинҳон тутишдан.

Аҳмад Яссавий руҳи шу тариқа камол топа борган эди. Бир ёшида руҳлар унга улуш бериб кетади, икки ёшида пайғамбарлар келиб кўради. Тўрт ёшида Муҳаммад пайғамбарнинг руҳи келиб, Аҳмад Яссавийга хурмо бериб кетади. Олти ёшидан бошлаб Аҳмад халойиқдан қочиб, кўкка парвоз этадиган, малойикаладан дарс ўрганиб қайтадиган бўлади:

*Олти ёшда турмай қочдим халойиқдин,
Кўкка чиқиб, дарс ўргандим малойиқдин (2:51).*

Бу ерда ҳам гап руҳ ҳақида кетяпти. Авлиё зотларнинг кўкка парвоз этиши ташқи, яъни зоҳирий тарафдан ҳар қанча пайғамбар (с.а.в.) меърожига ўхшаса ҳам, моҳиятда, яъни ботинан орада катта бир фарқ бор. Авлиё зотларнинг руҳигина парвоз этади, Муҳаммад (с.а.в.) эса меърож кечаси жисм билан парвоз этган, фақат руҳ билан эмас.

Руҳ бошқа-ю, жисм бошқа эканини шу ҳикматдаги Арслон бобонинг ўлими ҳақидаги бандлардан ҳам билиб оламиз. “Меърожнома”да ёзилишича, Аҳмад Яссавийнинг бу пири вафот этганида хурлар келиб, ҳарир тўндан кафан қилган, етмиш минг фаришта йиғлаб бошида турган:

*Қаба қилиб, Арслон Бобом жонин олди,
Хурлар келиб ҳарир тўндин кафан қилди,
Етмиш минг фаришталар йиғлаб келди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:52).*

Фаришталар Арслон бобонинг руҳини бир фурсатда учмох, яъни жаннатга олиб боришди:

*Жанозасин ўқиб ердин кўтардилар,
Бир фурсатда учмох ичра еткурдилар,
Рухин олиб, иллиюнға кирғиздилар,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:52).*

Бу асарда рақамларнинг қўлланишига алоҳида диққат қилмоқ жоиз. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, асар туғилмасидан қарийб беш аср олдин

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) меърож кечаси лирик қаҳрамоннинг руҳини кўрганидан бошланиб, унинг ўн ёшга киргангача бўлган даврини тасвирлаш асосига қурилган. Қолаверса, асарда рақамлар билан боғлиқ талқинларни юқорида қисман кўриб ўтдик. Мана бу бандда саккиз ёш баҳонасида *“саккиз ён”* ифодаси ҳам бекорга қўлланмаган:

*Саккизимда саккиз ёндин йўл очилди,
“Ҳикмат айт!” – деб, бошларимга нур сочилди,
Биҳамдиллаҳ, пири муғон май ичирди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:53).*

Аниқ бўляптики, шоир саккиз ёшидан ҳикмат айта бошлаган. Бу – муҳим қайд. Аммо лирик қаҳрамон буни ҳам юқоридан келган буйруққа боғлаб талқин этипти. *“Саккиз ёндин йўл очилди”*, деганда эса жаннатнинг саккиз эшиги борлигига ишора қилинмоқда. Банднинг учинчи сатрида ишлатилган *“май”* эса ишқ тимсоли бўлиб келяпти. Бу пирлар унга ишқдан таълим берганини билдиради.

Пайғамбар (с.а.в.) *“Ҳақ Мустафо”* тарзида асарнинг куйидаги бандларида мана бу сатрларда тилга олинади:

*Меърож узра Ҳақ Мустафо руҳим кўрди (1-банд, 2:48).
Ҳақ Мустафо Жаброилдин қилди савол (2-банд, 2:48).
Ҳақ Мустафо: “Фарзанд, – деди, – билинг, мутлақ” (4-банд, 2:49).
“Фарзандим”, – деб, Ҳақ Мустафо қилди калом (5-банд, 2:49).
Тўрт ёшида Ҳақ Мустафо берди хурмо (12-банд, 2:51).*

21-бандга келиб эса шоир асарида шу пайтгача таърифлаб келгани *“пири муғон”*, яъни пирларнинг пири амалда айнан *“Ҳақ Мустафо”*, яъни Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) эканини очиқлайди:

*Пири муғон – Ҳақ Мустафо, бешак, билинг,
Қайда борсанг, васфин айтиб, таъзим қилинг,
Дуруд айтиб, Мустафого уммат бўлинг,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга (2:53).*

Хуллас, тасаввуф шеърлятида меърождан муҳимроқ мўъжиза йўқ. *“Намоз–умматнинг меърожи”*, деган гап юради. Бу шариятдаги муносабат. Сўфийликда меърожга васл тисоли сифатида қаралади. Шунинг учун тасаввуф аҳли учун меърож даражасига етиш – буюк бир орзу.

Таҳлиллардан аён бўлганидек, Аҳмад Яссавий ҳикматларида у бевосита авлиё-шоир тақдири билан вобаста (боғлиқ) ҳолда кўрсатилади. Шунинг учун, *меърож бошқа сўфийлар учун билвосита алоқадор ҳодиса бўлса, Аҳмад Яссавийга (демакки, унинг шеърлятига ҳам) бевосита вобаста мўъжиза ҳисобланади*, деган хулосага келиш мумкин.

Шоирнинг меърож тилга олинган шеърлари, хусусан, биз шартли равишда *“Меърожнома”* деб атаган мазкур ҳикматининг моҳиятини англаш амалда яссавия вакиллари шеърлятининг туб маъзини тушунишга асос бўлади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ғаффорова З. Н. =Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадий таҳлили. – Фил. ф. б. фалс. д-ри... дисс. автореф. – Самарқанд:

2018. – Б. 18. Бундан кейинги иқтибосларда шу нашрдан олинган матнларнинг саҳифаси қавсда икки нуқтадан сўнг кўрсатиб борилади.
2. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 48. Бундан кейинги иқтибосларда шу нашрдан олинган матнларнинг саҳифаси қавсда икки нуқтадан сўнг кўрсатиб борилди.
 3. Арши аъло // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 1. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – Б. 440.
 4. Курсий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 5. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – Б. 147.

Убайдуллаев Ислому Мусаевич
Имом Бухорий номли Тошкент ислом институти
(Тошкент, Ўзбекистон)

«МИРҚОТ АЛ-МАФОТИХ» АЛИ АЛ-ҚОРИЙ ИЛМИЙ
МЕРОСИДАГИ ШОҲ АСАР

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларнинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган Али ал-Қорининг “Анворул қуръон ва асрорул фурқон” асарида ҳадислардан фойдаланиш услублари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар. Али ал-Қори, “Анворул қуръон ва асрорул фурқон”, тадқиқот, Қуръон, усуллар, муваффақият, илмий мерос, таҳлил қилиш, Мовароуннаҳр, Хижоз, дин.

«Мирқот ал-мафотих» Али ибн Султон ал-Қорийнинг шоҳ асари бўлиб, ислом оламида маълум ва машҳурдир. Асар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатлари, у кишидан ривоят қилинган ҳадислар ва уларга ёзилган шарҳлардан иборат.

«Мирқот ал-мафотих» Хатиб ал-Умарий ат-Табризий (ваф.741/1340)²⁰ томонидан ёзилган «Мишкот ал-масобиҳ» асарига ёзилган шарҳдир. Ўз навбатида ат-Табризийнинг «Мишкот ал-масобиҳ» асари ҳам Имом ал-Бағавийнинг (тав.436/1044й.) (ваф.516/1122 й.)²¹ қаламига мансуб бўлган «Масобиҳ ас-сунна» тўплами асосида ёзилган асардир. Аммо ушбу асарларнинг ҳар бири, «Мирқот ал-мафотих» ёки «Мишкот ал-масобиҳ» бўлсин, уларда Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларининг турига қараб ажратилганлиги ва муттасил равишда фикҳий йўналиш билан баён қилинганлиги диққатга сазовордир.

Аллома Али ал-Қорийнинг «Мирқот ал-мафотих» асари «Мишкот ал-масобиҳ» асарининг Расулulloҳ (с.а.в.) суннатларидан жамиятда мавжуд бўлган ҳукмларни фикҳий услуб, умумий ҳолатдан хусусий хулоса чиқариш, яъни дедуктив услуб асосида ёзилган шарҳдир. Ал-Қорий томонидан бошланган ушбу ҳаракат бир мунча машаққатли ва мураккаб бўлса ҳам, бироқ таҳсинга сазовор ва машҳурдир, унинг меваси бўлмиш ушбу асар Расулulloҳ (с.а.в.) умматлари ва уларнинг ичидан чиқиб, жамиятда мусулмон ҳуқуқшунослиги бўйича етакчи мутаҳасис бўлиб хизмат қилаётган шахслар ва илми толиблар учун фойдали илм хазинасидир.

«Мирқот ал-мафотих» асари юқорида таъкидланганидек, «Мишкот ал-масобиҳ» асарига у ўз навбатида «Масобиҳ ас-сунна» асарларига ёзилган шарҳлардир. Шу ўринда биз ушбу асарлар муаллифлари ва асарнинг ўзи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни жоиз деб топдик.

«Масобиҳ ас-сунна» асарининг муаллифи Абу Муҳаммад ал-Бағавий бўлиб, унинг тўлик исми Имом ал-Ҳофиз Шайхулислому Абу Муҳаммад ал-

²⁰ Хатиб ал-Умарий ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2001.Ж. 1. – Б. 1.

²¹Муъжам ал-Булдон асарида келтирилишича туғилган санаси ҳижрий 433 йилда, вафоти эса 510 йилга тўғри келади.

Хусайн ибн Масъуд ал-Фарро ал-Бағавийдир. У ислом динидаги муқаддас китоб Қуръони карим ва Муҳаммад (с.а.в) суннатлари устида кўп изланишлар олиб борган, уларни ўрганиш ва улар тўғрисида асарлар ёзиш билан машғул бўлган олимлардан биридир. У (436/1044) йил Бағв шаҳрида туғилган бўлиб, унга берилган Бағавий нисбати қиёсий бўлмаган. Маълумотларга кўра, аҳли илм, муҳаддис ва фақиҳлардан кўплаб етиштириб чиқарган ушбу шаҳарнинг номланиши Бағ бўлиб, у Хуросон давлатлари ичидаги Марв ва Ҳирот шаҳарлари ўртасида жойлашган. Ал-Фарро лақаби уни йилқилар боққанлиги ва уларни сотиш билан машғул бўлганлигига нисбат қилиб берилган²².

Олимнинг ёшлиги шофеъийлар мазҳаби намоёндалари ва уни илмий тадқиқ қилувчи шахслар орасида ўтди ва улардан таълим олди. У шофеъийлик мазҳабида таҳсинга сазовор фаолият юритиб, «ат-Тахбиз» номли китобини ёзади. Шунингдек, ўз қарашларида инсонларни кўпроқ диннинг асосини ташкил қилувчи икки нарса, Қуръони карим ва Расулulloҳ (с.а.в.) суннатларига амал қилишга тарғиб қилган.

Абу Муҳаммад ал-Бағавий фикр ва бошқа диний соҳадаги билимларни Хуросонда ўз замонасининг машхур шайхларидан ўрганди. Улар Имом ал-кабир Абу Али ал-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Марвазий (ваф.462/1070), Абу Умар Абдулвоҳид ибн Аҳмад ибн Абу-л-Қосим ал-Малижий ал-Ҳаравий (ваф.463/1071), Абу-л-Ҳасан Абдурраҳмон Муҳаммад ал-Довудий, Абу Бакр Ёқуб ибн Аҳмад ас-Сарфий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Юсуф ал-Жувайний ва бошқалар.

Қадимги Хуросон давлатининг тарихий ривожланишида ал-Бағавийнинг илми, фазли ва қолдирган илм толиблари муҳим ўрин тутади. Даврининг йирик ва машхур олимларидан таҳсил олиб етук мутахассис бўлиб етишган ал-Бағавийнинг ўзи ҳам устозлари йўлидан юриб асарлар ёзиш ва толибларга дарс бериш билан шуғулланади. У таълим берган толиблар сирасига Абу-л-Мусо ал-Мадиний, Абу ан-Нажиб ал-Харвардий, Абу-л-Футуҳ ат-Тоий (ваф.555/1160), Абу Мансур ал-Маъруф ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Ал-Бағавийнинг «Масобиҳ ас-сунна» дан ташқари, бизга маълум бўлган ва ишончли тафсир манбаларидан бири ҳисобланмиш «Маъолим ат-танзил фи ат-тафсир ва ат-таъвил» асари, шунингдек, «ат-Таҳзиб фи-л-фиқҳ», «Шарҳ ас-сунна фи-л-ҳадис ва-л-фиқҳ» ва бошқа кўплаб асарлари мавжуд²³.

Абу Муҳаммад ал-Бағавий илм йўлида ўз устозлари изидан бориб, оддий кийим кийган, зоҳидлик ва обидликда ижод қилди. Олим ўзининг «Масобиҳ ас-сунна» асари ҳақида гапириб, шундай дейди: «Бу китобда баён қилинган сўзлар Расулulloҳ (с.а.в.)да пайғамбарлик даврининг бошланишидан ва у зотнинг феъл-атворлари, юриш-туришлари ва сўзлаган нутқлари ҳақида бўлиб, улар тақво, булоғидан чиққан чироқлардир. Дин пешволари таъкидлаганларидек, муҳаддислар ҳадисларни мусулмонларга тоат-ибодатда ёрдам бўлиши учун Аллоҳ таолонинг каломидан кейин иккинчи ўринда турувчи манба сифатида жамлаганлар. Уларнинг (ҳадислар) кўплари

²² Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотиҳ шарҳ Мишкот ал-масобиҳ.– Байрут:Дор ал-фикр,1994. Ж.1.– Б.4.

²³ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотиҳ шарҳ Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут:Дор ал-фикр,1994. Ж.1.– Б. 1.

ишончли олимлардан ишончли кишиларга ўтиб келганлиги учун саҳиҳдир, бироқ, уларнинг айримлари иснодларнинг тўғрилиги ва даражасини буюклиги икки шайх (Имом Бухорий ва Муслим) шартларини барчасига ҳам жавоб беравермайди. Мен бу китобга жамламоқчи бўлган ҳадисларни иккига ажратдим, ҳамда заиф ва ёлғон сўзлар зикр қилинганларидан бутунлай юз гирдим»²⁴.

Китобдаги ҳадислар сони 4719 тани ташкил этади. Улардан Имом ал-Бухорийдан ривоят қилинганларни 375 та, ал-Бухорий ва Муслим билан келишилган (муттафақун алайх) эса 1051 тани ташкил этади, қолган ҳадислар бошқа китоблардан ва уламоларнинг нақлларидан иснод шартларига жиддий таянган ҳолда жамланган ҳадислардан иборатдир»²⁵.

Айрим уламолар китобни ўқишга, унга таълиқ ва шарҳлар ёзишга эътибор қаратганлар, баъзилар эса уни ўзларини соҳалари бўйича муҳим қўлланма, деб қабул қилганлар. Ушбу китобга бир қанча олимлар шарҳлар ёзганлар, улар сирасига VI асрда яшаб ўтганлари: Имом Носириддин Абдуллоҳ ибн Умар ал-Байзовийнинг (ваф. 685/1286й.) «Тухфат-ул-Аброр» асари, Шаҳобиддин Фазлуллоҳ ибн Хусайн ат-Турбаштий ал-Ханафийнинг «Муяссар» асари ва бошқаларни киритишимиз мумкин. «Масобиҳ ас-сунна» асарига ёзилган шарҳларнинг ичида энг машҳур ва кўпчиликка маълуми Хатиб ат-Табризий нинг «Мишкот ал-масобиҳ» асаридир²⁶.

«Мирқот ал-мафотиҳ» асарининг манбаи «Мишкот ал-масобиҳ» асарининг муаллифи Валийуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ал-Умарий ат-Табризийдир. Муҳаддис ҳижрий VIII аср уламоларидан бўлиб, биз унинг илм ва эзгу амаллари борасида зикр қилинган маълумотлардан бошқа ҳаёт йўли ҳақида тўлиқ маълумот топа олмадик.

Аллома (741/1340) йилда вафот этган. Хатибнинг устози, «Мишкот ал-масобиҳ» нинг шарҳловчиларидан бири, аллома Хусайн ибн Муҳаммад ат-Тоййибий шундай дейди: Олим «Масобиҳ ас-сунна» асаригаги ҳадисларини янада бойитди, ҳадисларни ривоят қилувчи саҳобийлар зикр қилинган болларни тўлдирди. Ҳадисни ихрожи ҳисобланувчи олимларнинг ҳадис илмидаги илмлари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, учинчи фаслдан ташқари барча болларни саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар сонини кўпайтирди ва жамланган тўпламини «Мишкот ал-масобиҳ» деб номлаб, мукамал китоб ҳолига келтирди»²⁷.

Абу Абдуллоҳ ўз шарҳини (737/1337) йили Рамазон ойининг жума куни ёзиб тугатади ва ундаги ҳадислар сони 6275²⁸ тани ташкил этади.

«Мишкот ал-масобиҳ» асари «Масобиҳ ас-сунна» асарига ёзилган шарҳ бўлганлиги сабабли, Хатиб ат-Табризий ал-Бағавийнинг «Масобиҳ ас-сунна»

²⁴ Хатиб ал-Умарий ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2001. Ж. 1. – Б. 3.

²⁵ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотиҳ шарҳ Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут: Дор ал-фикр, 1994. Ж. 1. – Б. 10.

²⁶ Обидов Р. Суннат, Ҳадис ва Муҳаддислар –Т.: Мовароуннаҳр, 2012.– Б. 401.

²⁷ Хатиб ал-Умарий ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2001. Ж. 1 – Б. 7.

²⁸ Хатиб ал-Умарий ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2001. Ж. 3. – Б. 230.

асарида эътиборидан четда қолдирган ва иснодсиз келтирган ҳадисларни асарида тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилади ва барча бобларни бўлимларга бўлиб, уларнинг энг асосий қисмларида келтирилган ҳадисларни куйидаги учта фасллар орқали таъриф этади:

Биринчи фасл, Хатиб ал-Бағавийнинг «Масобиҳ ас-сунна» асаридаги ҳадис таҳрижи бўйича «саҳиҳлардан» деб қўллаган сўзини икки буюк шайхни номлари билан алмаштиради ва уларни фикрлари билан кифояланади. Агар улардан бошқа муҳаддисларнинг номлари иштирок этган бўлса ҳам, уларнинг даражаларини юқори кўтариш учун икки шайхнинг номини ёзади.

Иккинчи фасл, «Масобиҳ ас-сунна» асаридаги ал-Бағавийнинг «ҳасан» деб, ҳадисни келтиришда икки шайхдан ташқари зикр этилган муҳаддисларнинг номларини куйидаги имомлар билан алмаштиради: Абу Довуд, ат-Термизий, ан-Насоий, ад-Домирий, Ибн Можжа.

Учинчи фасл, ал-Бағавий томонидан бобларнинг маъносини қамраб олувчи мувофиқ иловалар қўлланмаган қисмларини Табризий ўз китобида кўрсатиб ўтади.

Булардан ташқари, Хатиб ат-Табризий ўз шарҳини муайян бўлимларга бўлди ва ал-Бағавий томонидан беихтиёр йўл қўйилган баъзи камчиликларни тўғирлади, яъни у Имом ал-Бухорий ва Муслимлардан ёки улардан бири ривоят қилган ҳадисни «саҳиҳлардан» деб, у иккиси ривоят қилмаган ҳадисни «ҳасан» деб берди. Шундай бўлса ҳам, у Бағавий яратган илмий услуб ва тартибидан ташқарига чиқмаган.

Агар ҳадисларни келтиришда ал-Бағавий томонидан ровийларнинг сифатлари бўйича камчиликка йўл қўйилган бўлса, Хатиб, уларни аниқлаб ёзган. Шунингдек, ҳадисни ровийга боғлашда хато қилинган бўлса, уларни тартибга солган ва тасдиғи билан кўрсатган²⁹.

Маълумотларга кўра, асарнинг «Мишкот ал-масобиҳ» деб номланиш сабаби, чироқни кичкина дераза тоқчасига қўйилгани, яъни «китоб ал-мисбоҳ» нинг у ерда сақланишидир. Бу фикрни нурларини бир жойда жамланган ҳолда ўзида мужассамлаштиради, яъни ушбу китобда зикр қилинган ҳадисларнинг барчаси бир чироқ мисоли бўлиб, китоб эса ушбу чироқлар нурларини ўзида мужассамлаштирган кичкина тоқча мисолидадир³⁰.

Юқоридаги фикр ҳақида олим ат-Тоййибий шундай дейди: « Асар исм ва маъно ўртасидаги муносабатни юзага чиқаради. Шунингдек, бунда «Мишкот» нур йиғилган тоқча бўлиб, кенг жойдан кўра ушбу нурнинг тоқчада ёрқинроқ кўринишига қиёс қилиб олинган. Яъни, бу Расулulloҳ (с.а.в.) қолдирган ҳадисларининг бир ерга жамланган, йиғилган маъносидадир. Маълумотларга таянган ҳолда, бу китобни иноят ва лаёқат эгасининг бир ризқи деб қабул қилишимиз мумкин ва унда унинг аслидан кўра кўпроқ фойдали нарсалар бордир»³¹.

Ат-Табризийдан ташқари, «Мишкот ал-масобиҳ» асарига бошқа бир қанча олимлар томонидан ҳам шарҳлар ёзилган. Улардан Аллома Ҳусайн ибн

²⁹ Хатиб ал-Умарий ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут:Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2001. Ж. 1. – Б. 5.

³⁰ Ўша асар.– Б. 6.

³¹ Ўша асар.– Б. 13.

Муҳаммад ат-Тоййибийнинг (ваф.534/1140 й.) «ал-Кошиф ал-хақиқ ас-сунна» асари, Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Абхарий (ваф.795/1394 й.) «Минхож ал-мишкот» асарларини унга шарҳ шаклида ёзилган³². Лекин Али ал-Қорийнинг «Мирқот ал-мафотих» асари унга ёзилган шарҳларнинг ичида энг машҳури, энг мукаммали ва оммабоплиги билан ажралиб туради.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Хатиб ал-Умарий ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. –Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2001. Ж. 1,2,3. – 88 б.
2. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобиҳ. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ислами, 1966. Ж. 1-11. – 550 б.
3. Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобиҳ. –Байрут: Дор ал-фикр, 1994. Ж. 1 - 11. – 640 б.
4. Али ал-Қорий. Ал-Минаҳ ал-фикрий шарҳи матн ал-Жазарий. – Миср: Дор ал-кутуб ал-ислами, 1908. – 44 б.
5. Али ал-Қорий. Шарҳ ан - Ниқоя. – Қозон: 1908. – 650 б.
6. Ал-Ҳизбул Аъзам ва ал-вирд ал-афхом. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ислами, 1966.– 55 б.
7. Али ал-Қорий. Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар.– Байрут: Дор ан-нафос, 1997. – 271 б.
Маржоний. Вофиёт ал-аслоф. ЎзФАШИ, тошбосма, инв. № 6391. – 65.б
9. Муҳаммад ал-Муҳиббий. Хулосат ал-асар фи аъён ал-қарн ал-ҳодий ашар. ЎзФАШИ, тошбосма, инв.№ 8130. – 123. б.
Аш-Шавконий. Ал-Бадр ат-толий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-ислами, 1909. – 178 б.

³² Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобиҳ. – Қоҳира:Дор ал-кутуб ал-исломий,1966. Ж.1. – Б.25.

Ҳошимова Д. Ф.
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси
(Тошкент, Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ МАСАЛАСИ ҚЎЙИЛИШИГА ДОИР (XX АСРНИНГ 40-ЙИЛЛАРИ)

Аннотация. Мақолада ўзбек халқи этник тарихи ва этногенези масаласига доир 1942 йили Тошкент шаҳрида “Ўрта Осиё халқлари этногенези”га бағишланган илмий сессияда қатнашган тарихчи, археолог, этнограф, антропологларнинг маърузаларида шу соҳада амалга оширилган тадқиқотлардаги илмий янгилıklar ҳамда ушбу илмий ғояларнинг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи учун аҳамиятли жиҳатлари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: этник тарих, этногенез, археология, тарих, антропология, элат, қабилла, халқ, қанғиллар, помир-фарғона ирқий типлери, тоҳарлар, тоҳарлар, аланлар, туркманлар.

Аннотация. В статье анализированы и изучены значимые для исследования этногенеза и этнической истории узбекского народа новые научные идеи историков, археологов, этнографов и антропологов, рассмотренные в их докладах в научной сессии “Этногенез народов Средней Азии” проходившей в 1942 году в городе Ташкенте.

Ключевые слова: этническая история, этногенез, археология, история, антропология, народность, племена, народ, кангиллы, памиро-ферганский расовый тип, тохары, аланы, туркмены.

XIX асрнинг 30-40 йилларида ижтимоий фанларнинг марказий муаммоларидан бири этногенез-халқларнинг келиб чиқиши муаммоси эди. Бу муаммони ўрганиш мақсадида 30-йилларнинг охирида турли мутахассислик вакилларининг шу соҳадаги тадқиқотларини бирлаштириш ва бошқариш мақсадида шу даврда собиқ Иттифоқ ФАнинг этногенез бўйича Комиссияси тузилади. Этногенез муаммосини ишлаб чиқиш бўйича Комиссия томонидан 1940 йилда Шимол халқларининг этногенези, 1942 йилда Ўрта Осиё халқларининг этногенези, 1943 йили славянлар этногенезига бағишлаб ташкил этилган сессиялар ушбу муаммони ўрганишда катта ўрин тутди.

Комиссиянинг 1942 йил 27-29 августда Тошкентда Ўрта Осиё халқларининг этногенезига бағишлаб ўтказилган сессияси ўзбек халқи этногенези муаммосига анчагина аниқлик киритиб, муаммонинг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Сессия Ватан урушининг дастлабки йилларида ўтказилган эди. Уруш юзага келтирган ҳарбий шарт-шароит натижасида “Собиқ иттифоқ этнография” журнали нашр қилинмай тургани сабабли “Ўрта Осиё халқлари этногенезига бағишланган мазкур сессия материаллари фақат 1947 йилда чоп этилди”(1). Журналда сессия маърузаларининг матн ва тезислари, шунингдек мажлис ишида қатнаша олмаган олимлар маърузаларининг қўлёзмалари босилиб чиқди. Сессия дастурига киритилган маърузалар муаллифи шу даврнинг етук

этнограф, тарихчи, шарқшунос, тарихчи, антрополог олимлари С.П. Толстов, Н.А. Кисляков, А.Ю. Якубовский, К.В. Тревер, А.Д. Удальцов, Л.В. Ошанин, И.И. Умняков, Л.А. Мацулевич ва бошқалар эди.

Ўзбек халқи этногенези билан бевосита боғлиқ бўлган маърузалар ҳақида шуни айтиш мумкинки, "Этногенетик тадқиқотларнинг назарий асослари" номли умумлаштирувчи мавзу А.Д. Удальцов маърузасида ёритилди. Унда этногенез масалаларини ўрганадиган махсус соҳа юзага келганлиги, бу соҳадаги муаммоларга янгича ёндошиш лозимлиги қайд қилинади ва масала айна бир вақтнинг ўзида ҳам археологик, ҳам антропологик, ҳам лингвистик, ҳам тарихий жиҳатлардан комплекс равишда ўрганилгандагина мукамал ҳал этилиши мумкинлиги таъкидланади. Қабила, элатлар ва халқлар ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик ва феодализм даврида турғун бўлмаганлиги билан миллатдан фарқ қилади. Қабила ва халқлар бир-биридан мустақил ривожланмайди ва этногенетик соҳа ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш мунсабатлари натижасида этник бирликларнинг юзага келиши, қўшилиб кетиши ва ўзаро маданий таъсири кечадиган этногенез жараёнларини тадқиқ қилади (2).

Ўрта Осиё халқлари этногенезининг асосий муаммолари ҳақида маъруза қилган С.П.Толстов бир қатор вазифаларни илгари суради. Олим – ғарб тадқиқотчиларининг метафизик назариялардан воз кечишга ундаб, "ҳар бир халқнинг таркиби унинг бошланғич давриданок мураккаб бўлганлигини тан олингандагина этногенетик муаммоларни илмий асосда ҳал қилиш мумкин бўлади", деб таъкидлайди. Этногенезнинг асосий муаммоларини ҳал қилишни дастлаб халқ яшаб турган ҳудуднинг этник таркибини ёки ана шу халқ қарор топган ҳудудни тадқиқ этишдан бошлаш лозимдир. Ўрта Осиё халқларининг этногенез жараёни бошланган ана шундай қадимги ҳудудий-сиёсий бирлашмалар доираси мил.ав. 1 минг йилликнинг иккинчи ярмида қарор топганлигини таъкидлаб, С.П. Толстов ўзбеклар учун бундай ҳудудий-сиёсий бирлашма Қанғ подшолиги бўлган, деб ҳисоблайди. Этногенезнинг асосий вазифаларидан бири – халқнинг этногенетик жараёни охирида қолган босқичда юз берадиган аниқ тарихий даврни ва ҳудудий-ижтимоий бирлашмани аниқлаб олишдир. Бундай вақт ва ҳудуд ўзбеклар учун XI-XII асрлардаги Қорахонийлар давлати ҳисобланади (3).

С.П. Толстов бу сессияда этногенетик жараённинг Орол "туғуни" (4) номли маъруза билан ҳам иштирок этади.Унда маърузачи шимол халқи этногенезининг тадқиқотчилари Орол денгизи ҳавзасини бу этногенез жараёнининг маркази, деб ҳисоблаганлиги ҳақида кўп асрлар давомида тўпланган турли хил назариялар ва фикрлар борлигини таҳлил қилади.

Сессияда Ўрта Осиё аҳолисининг мил.ав. VI-V асрлардаги этник таркиби ҳақидаги масала ҳам кўтарилди. Бу тўғрида маъруза қилган К.В. Тревер Ўрта Осиёда қадимда яшаган халқларнинг этногенези ҳақидаги масалани ўрганиш учун аҳамиятга молик, деб ҳисоблайди. Бу жуда қадимий халқлар тўғрисидаги маълумотларнинг озлиги, турли хиллигига қарамай, мавжуд бўлган ёзма, археологик, лингвистик манбалар асосида халқларнинг таркиби, уларнинг тақдири, ривожланиш йўналиши, масалан, массагетлар-аланлар, турклар-сўғлар-турклар-ўзбеклар йўналишини кузатиш мумкин.

Сессияда антрополог Л.В. Ошанин “Антропологик далиллар асосида Ўрта Осиё халқларининг этногенези” мавзусида маъруза билан қатнашди. Л.В. Ошанин кўп йиллар давомида ўзбек ва тожик, тожик ва қирғиз халқларининг антропологиясини қиёсий ўрганиш натижасида ўзбек ва тожикларда (қозоқ ва қирғизларга қараганда) ўзига хос брахицефаллик европеоид ирқий тип мавжудлиги аниқлаганлигини уқтириб ўтади. Бу антропологик типга Л.В. Ошанин Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги ирқий тип деб ном берган бўлса, Л.В. Яرخо ушбу типни “Помир-Фарғона” ирқий тип, деб атаган эди. Маърузачи Мовароуннаҳрда тил жиҳатидан туркийлашиш жараёнида тип жиҳатидан мўғуллашиш жараёни ҳам ривожланиб борганлигини таъкидлаб, мўғуллашиш жараёни тожикларга нисбатан ўзбекларда кучлироқ ифодаланганлиги қайд қилади” (5).

“Тоҳарлар муаммоси” тўғрисида маъруза қилган И.И. Умняков унинг ҳозирги даврдаги ҳолати бу масалани иккига бўлиб, иккита этник комплексга ажратишга олиб келишини айтади; биринчиси, Яксарт томонидан Бактрияга кирган ва бошқа халқлар қаторида мил.ав. II асрда Грек-Бақтрия подшолигининг емирилишида қатнашган тоҳарлар; улар кейинроқ ўз номлари билан аталган Тоҳаристон ҳудудида ўтроқлашади; иккинчиси, Марказий Осиёда яшаган халқ ва элатлар; Фарбий Европада уларнинг тилига “тоҳарлар” деб ном берилган. Грек манбаларида учрайдиган тоҳарларнинг хитой манбаларидаги юечжилар билан тенглаштирилиши “тоҳарлар муаммосида”ги энг мураккаб масаладир ва бунда И.И. Умняков бирор тадқиқотчининг “тоҳарлар” атамасининг “юечжи” атамаси билан фонетик алоқасини аниқлай олмаганини эслатиб ўтади (6).

Сессияда “Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган XIII асрдаги мўғул қабила ва уруғларнинг изи” мавзусида Ц.Д. Номинхоновнинг маърузаси тингланди. Унинг фикрича, Ўрта Осиё ҳудудида қолган мўғуллар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, XIII-XV асрлар давомида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ўзига хос роль ўйнаган ва айрим этник гуруҳлар ҳамда топонимик атамаларда ўз номларидан из қолдириб, бора-бора ўзбеклашиб кетганлар.

А.Ю. Якубовский мазкур сессияда “Туркман халқининг этногенези тарихидан (VIII-X асрлар)” номли маърузаси билан қатнашди. Маърузачи туркман халқининг таркибига IX-X асрлардаги ўғузларгина эмас, балки турк-эфталитлар ва, ниҳоят, асосий таркибий қисми сифатида аланлар ҳам кирган, деган хулосага келади” (7).

Ўрта осий этногенези ва алан муаммоси Л.А. Мацулевич маърузасида ҳам ёритилади. “Алан” атамасининг генезиси, “сармат” атамасининг генезиси сингари олим таъкидлашча, ҳануз аниқланмаган, Ўрта Осиё аланларининг илдизини ҳозирги туркманларнинг европеоидлигида ва қадимда яшаб келган маҳаллий аҳолининг европеоидлигининг мероси сифатида кўриш керак. Тошкент туманида, милодий I-II асрларга тегишли европеоид типдаги дафнхонлардаги суяклар Қуйи Волгада топилганларидан умуман фарқ қилмайди. Бундан эса, шимолий Кавказ аланлари европеоид типини бу ерга олиб келганликлари ҳақидаги фикр ўз-ўзидан йўққа чиқади. Ўрта Осиё аҳолиси моҳият жиҳатидан маҳаллий қабилалар ва халқлар сифатида алан ва сармат бирликларининг барпо бўлиш жараёнига тортилган эдилар. Бунинг натижасида сармат, алан бирлиги узоқ шаклланиш асосида милодий VI асрда,

хусусан, ривожланган Керчь маданияти ҳам бевосита Ўрта Осиё билан яқин алоқада вужудга келган эди” (8).

А.Н.Бернштам ўз маърузасида Ўрта Осиё этногенезида туркий қабилаларнинг расмийлашуви, ўз келиб чиқиши жиҳатидан шимолий-хитойча бўлган Марказий Осиё компонентларининг ўзаро чатишуви шароитида юз беради, деган фикрни билдиради. Туркий этногенезнинг ниҳоясига етиш даври кўчманчи қабилалар орасида илк қулдорлик давлати барпо бўлган шароитда юз берганди. Бу даврда туркий элат шаклланган эди. Бу давр милодий VI-VIII асрларга тўғри келади. Туркий қабилалар ва элатлар сиёсий ҳокимияти ўрнатилиши туркий этногенез жараёнининг кенгайишини тезлаштирди. Бу давр VII-VIII асрларга тўғри келади.

Туркий қабилаларнинг шаҳар ҳаётини ўзлаштириши ва эроний аҳолининг деҳқончилик хўжалиги билан бир қаторда, кўчманчи қишлоқ маъмурий бирликлари сақланиб қолиши натижасида шаҳар аҳолисининг туркий этногенез жараёнига тортилиши юз беради. Еттисувда бу давр VIII-XII асрларга тўғри келса, Мовароуннаҳрда XI-XIV асрлардир. А.Н.Бернштам фикрича, туркий этногенез жараёни кўчманчиларнинг Эрон ва Хитой дунёси билан яқин алоқаси шароитида борди ва бу давр VI-VIII асрларга тўғри келади. Унингча, Ўрта Осиёдаги туркий этногенезнинг маркази Еттисувнинг жанубий қисми ҳисобланади. Ғарбий турк ҳоқонлигининг барпо бўлиши (VIII аср 40-йиллари) ва унинг сиёсий фаоллиги ортиши Ўрта Осиёда туркий этногенезда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган.

Шаҳарларга туркий муҳитнинг кириб келиши, Ўрта Осиёда туркий таъсирнинг муваффақият қозонишига олиб келди. Бу жараён Еттисувда қарлуқлар даврида бошланган бўлса (VIII аср), Қорахонийлар даврида ҳукмронлик қилди; Мовароуннаҳрда эса, бу жараён Қорахонийлар даврида (IX-X асрларда) бошланиб, темурийлар даврида (XIV-XV асрларда) ютуқларга эришди. Туркий аҳолининг Мовароуннаҳр шаҳарларининг асосий эгаси бўлиб қолиши Ўрта Осиёдаги туркий этногенезда уларнинг ҳукмронлигини таъминлади (9).

Мазкур илмий анжуман иккинчи жаҳон уруши йилларида кенг тарқалган немис-фашист ирқчилик назариясига ҳам қаттиқ зарба берди.

Шу жиҳати билан сессия катта илмий-сиёсий воқеа бўлди.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. 1942 йил августда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё халқлари этногенезига доир ўтказилган сессия Ўрта Осиё ҳудудида қадимги даврлардан буён яшаб келган халқлар этногенези жараёнининг илгари кенг тадқиқ этилмаган асосий назарий асосларини ишлаб чиқди.

2. Сессия этногенезнинг асосий муаммоларини ҳал қилишнинг илмий йўналишини аниқлаб берди ва уни тадқиқ қиладиган соҳа – этногенетика юзага келганини қайд этди.

3. Этногенетика муаммоларини ҳал қилиш учун турли фан соҳалари: археология, антропология, лингвистика, тарих фанлари ютуқларини комплекс равишда ўрганишни вазифа қилиб қўйди.

4. Ўрта Осиё халқлари этногенезига бағишланган мазкур сессияда ўқилган маърузалар ҳозирги даврда Марказий Осиё ҳудудида яшаётган барча халқлар, шу жумладан ўзбек халқи алоҳида ҳолда эмас, балки мураккаб

этногенез жараёнида турли хил этник гуруҳлар, этник унсурларнинг ўзаро яқинлашуви, аралашуви, бирикуви натижасида шаклланганлигини исботлади.

1950-60 йиллардан бошлаб ўзбек халқи этногенези ҳақида ўзбек олимларининг ҳам илмий тадқиқотлари нашр этила бошлади. Этнограф олим, академик К.Ш.Шониезов асарларида (10), ўзбек халқининг шаклланиши тарихи, унинг этник тарихи ўрганилган бўлса, тарихчи олим, академик Б. Аҳмедовнинг (11) асарларида ўзбек халқи этногенезидаги асосий масалалардан бири ўзбеклар давлатининг барпо бўлиши ва унинг сиёсий тарихи илмий ёритилади.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалалари академик А. Асқаровнинг бир қанча мақола ва асарларида (12) ҳам кенг очиб берилади.

Тарихий, археологик, этнографик ва антропологик манбаларга асосланиб ёзилган ва ўзбек халқи этногенези бир неча босқичларга бўлиб таҳлил қилинган мазкур асарларда ўзбек халқи узоқ ва мураккаб этник жараёни бошидан кечирганини ва яхлит элат сифатида фақат X асрга келиб шакллангани, ҳудудий, иқтисодий, маданий, тил ва тип бирлигига эга бўлганлиги таъкидланади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. СЭ. М., 1947. № VI-VIII. – С. 301-302.
2. Удальцов А.Д. Теоретические основы этнических исследований. Тезисы докладов //СЭ. 1947. №VI-VII. – С. 303
3. Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. Тезисы докладов //СЭ. 1947. № VI-VII. – С. 303.
4. Толстов С.П. Аральский удел этногенетического процесса. Тезисы докладов //СЭ. 1947. №VI-VII. – С. 309.
5. Ошанин Л.В. Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропологии. Тезисы докладов//СЭ. 1947. №VI-VII. – С. 307-308. Брахицефал-думалоқ бош, мия қутисининг думалоқ шаклини ифодаловчи ирқий тип атамаси.
6. Умняков И.И. Тохарская проблема. Тезисы докладов//СЭ. 1947 .№VI-VII. С. 310-311.
7. Якубовский А.Ю. Из истории этногенеза туркменского народа (VIII-Хв.в.)// //СЭ. 1947. №VI-VII. – С. 324.
8. Мацулевич Л.А. Аланская проблема и этногенез Средней Азии. Тезисы докладов //СЭ. 1947.№ VI-VII. – С. 143.
9. Бернштам А.Н. Древнейшие тюркские элементқ в этногенезе Средней Азии //СЭ. 1947. № VI-VII. – С. 158.
10. Шаниязов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Т.,Фан, 1992. – Б. 140
11. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Т.,Мерос, 1992. Тарихдан сабоқлар. Т.,Ўқитувчи, 1994. – Б. 220.
12. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., Ўзбекистон, 2015. – Б. 160.

SECTION: TECHNICAL SCIENCE. TRANSPORT

**Бобоев А. Х., Акбарова Н. А., Хасанов Х. Т., Адхамов А. Р.
Тошкент кимё-технология институти
(Тошкент, Ўзбекистон)**

ҚОБИҒИ АЖРАТИЛГАН БУҒДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚАНДЛАШТИРИЛГАН СУСЛОНИ БИЖҒИТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

***Аннотация.** Озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқаришда буғдой қобиғини ажратиш олиш, ун таркибида минерал моддаларнинг камайишига олиб келади ва бу ўз навбатида қандлаштирилган суслони бижғиш жараёнининг боришига салбий таъсир этади. Бунинг олдини олиш учун топинамбур суслоси билан биргаликда бижғитиш таклиф этилган.*

***Таянч сўзлар:** этанол, технология, биосинтез, бижғиш, топинамбур, бражка, сусло.*

КИРИШ

Озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқариш учун асосан таркибида крахмал ва сахароза тутган хомашёлар ишлатилади. [1-3].

Этанол ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда хомашё таркибидаги ҳамма юқори молекулали биополимерлардан унумли фойдаланиш долзарб йўналиш ҳисобланади (4). Маълумки, донни ундиришда, дон таркибидаги захира моддаларни эрийдиган ҳолга ўтказиш учун етарли даражада ферментлар синтез бўлади. Бу фермент системаси амилаза, протеаза, липаза, фосфатаза ва бошқалардан иборат. Шу сабабли солод ферменти ишлатилганда пишириш ва қандлаштириш жараёнлари тўлиқ кетади ва ачитқилар учун етарли озуқа муҳити ҳосил бўлади [5-10].

Дон таркибидаги крахмални қандлаштиришда ферментларнинг аҳамияти ҳам катта. Ҳозирги кунда асосан хориждан келтирилаётган ферментлар қўлланилиб келинмоқда [11,12]. Ферментларни қўллашда уларнинг фаоллигини ва хусусиятларни инobatга олиш керак [12, 14].

Озуқа муҳитидаги турли нисбатдаги минерал моддалар углерод/азот (C/N)_x ва углерод/фосфор (C/P)_x бўлишига қараб, ачитқи биомассасини чиқиши ва ачиткидаги оқсиллар, аминокислоталар, углеводлар ва трегалоза миқдорларини олдиндан айтиш мумкин [15]. Муҳитда фосфорнинг етишмаслиги, ачитқиларда углеводлар ва азот ассимиляция билан боғлиқ модда алмашинувининг кескин бузилишига олиб келади. Физиологик эҳтиёжлар учун 10 миллиард ҳужайрага 10-13 мг фосфор керак бўлади. Спирт ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг яна бир усулларидан бири - бу биостимуляторлардан фойдаланиш ҳисобланади. Бунда ачитқиларининг бижғитиш активлиги ва кўпайиш тезлиги ошиш орқали спиртли бижғиш

жараёни жадаллашади [16].

Этанол ишлаб чиқаришда электрофизик ишлов беришнинг қўлланилиши дон компонентларини тўлиқ ва чуқур ўзгартириш орқали, пишириш вақтини қисқартириш ва режимини юмшатиш, қандлаштирувчи материаллар сарфини камайтириш, ферментларни субстратни гидролизлашини оsonлаштириш орқали спирт ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради. Шу билан бир вақтда электрэнергия сарфи камаяди ва ҳар 1 тонна крахмал тутувчи хомашёдан олинадиган спирт миқдори ошади. Бунинг асосида биотехнологик жараёнларда ультратовушларни (УТ) кенг қўллаш ётади. Электрофизик ишлов беришнинг иккинчи истиқболли усулларида бири гидролизланадиган субстратга инфрақизил (ИК) нур бериш ҳисобланади [17].

Кальций ва калий баъзи ферментларни активлаштириш учун зарур. Шу билан бирга, кальций кўп ферментларга ингибиторлик қилиши ҳам мумкин. Микроэлементлар ачитқиларнинг кўпайиши ва бижғиш жараёнига таъсир кўрсатади. 1 мг/дм³ миқдорда Mn ачитқиларнинг нафас энергиясини оширади, кўп миқдорда (45-90 мг/дм³) берилса бижғишни тезлаштиради, шунингдек, ачитқи эстеразлари биосинтезини тезлаштиради. Молибден ачитқиларнинг кўпайишини, бор эса ачитқиларнинг бижғитиш қобилиятини фаоллаштиради [18].

МЕТОДЛАР

Реагентлар: Хомашё сифатида “Бектемир-спирт экспериментал заводи” корхонасида қўлланилаётган буғдой дони (ГОСТ 13586.2, ГОСТ 13586.5), протеолитик фермент сифатида Нейтраза (Новозаймс, Дания), Пролайв РАС 30L, (ЭнзимБИОПродукт, Россия) ва қовушқоқликни камайтирувчи фермент сифатида “Амилекс 4Т” (Новозаймс, Дания), қандлаштирувчи фермент сифатида “DIAZYME-SG2” (Новозаймс, Дания) ва ишлатилди. Антибактериал модда сифатида “Набак” ва “Лактрол” (Новозаймс, Дания) қўлланилди.

Минерал моддалар. Дон таркибидаги минерал миқдорини донни 600-900° хароратгача куйдириб, аниқланади [19].

